Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 29 (4724)
4 ФЕВРАЛЬ 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ XII СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

ТРАКТОР ЗАВОДИНИНГ ФИЛИАЛИ

ФАКТ ВА ШАРҲ

Андижон яқинидаги Ленинск шаҳрида Тошкент трактор заводининг филиали фойдаланиш учун топширилди. Бу ерда пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ишлаб чиқарилади — ҳар йили 40 мингта ана шундай прицеп тайёрланади.

Шу кунларда ишлай бошлаган филиалнинг биринчи навбати аслида йирик машинасозлик заводидир. Бу ерда «Союзмашхлопководство» бирлашмаси корхоналарида тайёргарликдан ўтган қарийб 1200 ишчи станоклар ёнида ишлай бошлашди. Прицепларни таъминлаш учун мўлжалланган пневматик тормоз системалари филиалнинг дастлабки маҳсулоти бўлди.

Филиални қуриш давом эттирилмоқда. Беш йиллик мобайнида унинг иккинчи навбати ишга туширилиши лозим.

Бу хабарни Тошкент трактор заводининг директори И. Х. Мусин шарҳлаб берди:

— Ленинскдаги филиал бизнинг бош корхонамиз учун ғоят катта аҳамият касб этади. Биз трактор прицепларини ишлаб чиқаришни шу филиалга топшириб, асосий ишлаб чиқаришда юзлаб малакали ишчиларни бўшатиб бошқа ишга ўтказиш, шунингдек ишлаб турган цехларда катта-катта майдонларни бўшатиш имкониятига эга бўламиз. Бу ресурслар эса пойтахт тракторсозлари олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этиш йўлида салмоқли омил бўлиб хизмат қилади: биз янги беш йилликда қуввати 100 от кучига эга бўлган ва пахтачиликда ишлатиладиган тракторларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришимиз лозим. Бундай машиналар пахтазорларга ишлов беришдагина эмас, шу билан бирга ҳосилни даладан тайёрлов пунктларига ташишда ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини яратади. Бундан ташқари. «Ташсельмаш» янада унумлироқ терим машиналари учун ўзиюрар шассилар олади.

Бош заводнинг тракторлар ишлаб чиқариш учун. филиалнинг эса прицеплар чиқариш учун ихтисослашиши маҳсулот ишлаб чиқаришни яхшилаш соҳасида собитқадамлик билан ишлаш имконини беради. Жумладан, Ленинск маркаси қўйиладиган прицеплар ҳозирги вақтда мамлакат пахтакорларига етказиб берилаётган прицеплардан анча самарали бўлади. Уларнинг вазни бир хил бўлгани ҳолда янги прицеплар бир ярим баравар кўп юк кўтара олади. Тракторчининг бевосита иш жойидан бошқариладиган пневматик тормоз системаси эса ана шундай прицеплардан бутун бир транспорт поездларини тузиш имконини беради. Бу эса юк ташишни анча арзонлаштириш, механизаторларнинг меҳнатини ва кўп миқдорда ёнилғини тежашни таъминлайди.

Шу йилнинг ўзидаёқ Ленинскда янги моделдаги трактор прицепларининг дастлабки туркуми — мингтасини тайёрлаш режалаштирилмоқда. Тўғри, дастлабки пайтларда комплектловчи деталларнинг кўп қисмини Тошкентда тайёрлаб, сўнгра уларни филиалнинг йиғув цехларига юборамиз. Навбатдаги қувватларнинг ишга туширилиши ва кадрларнинг малакаси оширилиши билан филиал прицеплар ишлаб чиқаришни тўла-тўкис ўзлаштиради. Филиал беш йиллик охирига бориб лойиҳадаги қувватига эришади.

(ЎзТАГ).

Илғор комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи С. Маҳсумов бир неча йиллардан буён «Геологоразведка» тажриба заводида меҳнат қилиб келмоқда. У токарлик дастгоҳида ДДА—76 маркали мураккаб деталларни сифатли тайёрлаб беради. Бригада яқинда коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номга сазовор бўлди. С. Маҳсумовнинг ўзи смена топшириқларини 140 процентдан бажариб, айни пайтда 1983 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: С. Маҳсумов.

Х. Мирзакаримов фотоси.

БРИГАДА ПУДРАТИГА ТАЯНИБ

Тошкент нон-булка кондитерлик маҳсулотлари комбинатида макарон ишлаб чиқариш коллективи биринчи бўлиб бригада пудратига ўтди. Меҳнатни янгича ташкил этиш ишчиларнинг манфаатдорлигини оширди, коллективнинг кўпгина ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилади.

Макарон ишлаб чиқариш коллективи СССРнинг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб. январь ойида пландан ташқари 20 тонна маҳсулот ишлаб чиқарди ва корхона ходимлари социалистик мусобақасида пешқадамлик қилмоқда.

(ЎзТАГ).

«ИНСОН МЕҲНАТИ БИЛАН АЗИЗ»

Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида Ўзбекистон касаба союзларининг навбатдаги съездига бағишлаб очилган фотоҳаваскорлар суратлари кўргазмаси «Инсон меҳнати билан азиз» деб аталади.

Кўргазмага Тошкент шаҳри, пойтахт областлари, Андижон, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд ва бошқа қатор областлардан олинган ранг-баранг экспонатлар намойишга қўйилган.

Бу ерда шу нарсани ҳам эслатиб ўтиш кераки, республика кўргазмаси учун областларда ўтказилган қатор конкурсларда уч мингдан зиёд фотоҳаваскор ўз асарлари билан қатнашди. Ниҳоят ҳаммаси бўлиб 250 дан зиёд асар саралаб олинди.

Тошкентлик фотоҳаваскорлар ўз суратларида В. И. Ленин номли майдон, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, «Биринчи Май» кўчасидаги осмонўпар бинолар, шаҳримизнинг жуда кўп янги массивлари қурилишини, корхоналарнинг жўшқин ҳаёт манзарасини моҳирона акс эттирганлар.

Бу кўргазма бир ой мобайнида намойиш қилинади.

ЎЗАРО МУСОБАҚАЛАШИБ

5-автопарк меҳнат аҳли янги йилни янги социалистик мажбурият асосида бошлади. Социалистик мажбуриятга кўра бу йил пландан ташқари 50 минг йўловчига хизмат кўрсатиш ва янгиликлар жорий қилиш эвазига иқтисод қилинган маблағ ҳисобига 130 та машина двигателининг ремонт қилиниши кўзда тутилган.

Шунга кўра коллективда ўзаро социалистик мусобақа қизиб кетган. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» ташаббусига қўшилиб меҳнат қилаётган уч маршрут ҳайдовчилари ўртасида А. Сопоненко бошчилик қилаётган 10-маршрут шофёрлари пешқадамлик қилмоқда. Бу маршрутдаги илғорлардан В. Шераев, Б. Богданов ва В. Соловикинлар йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириб. бу соҳада ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Бундан ташқари коллективда янга тўрт маршрут ҳайдовчилари коммунистик меҳнат зарбдори деган ном учун курашмоқдалар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ 3 февраль куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев социалистик интернационал қуролсизланиш бўйича маслаҳат кенгашининг вакилларини қабул қилди. Суҳбат дўстона, амалий вазиятда ўтди. Учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

△ Ўзбекистон олимлари КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш учун самарали меҳнат қилмоқдалар. Актуал илмий ишлар кўпаймоқда, олимларнинг сафлари йил сайин фан докторлари ва кандидатлари билан тўлмоқда— ҳозир республикада мингга яқин фан доктори ва 13 мингдан кўпроқ фан кандидати ижодий илмий иш билан шуғулланмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ўтказилган илмий-педагогик ходимларнинг республика кенгашида шу ҳақда гапирилди. Кенгашда партия XXVI съезди қарорлари асосида илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказишни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ

«ИНСОН —ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Бугун ана шу анкета саволларига А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтининг ректори, Ўзбекисон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик доктори, профессор Мамажон Раҳмоновнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

ОТАХОН САБОҒИ...

Шу сарлавҳали мақолада ризқи-рўзимиз бўлган нонни эъзозлаш, нонинг азизу-мукаррамлигини сира унутмаслик тўғрисида фикр юритилади.

ФАРЗАНДГА ТАХТ ЭМАС, БАХТ БЕРИНГ

Ушбу мақолада инсон ўз фарзандини севганидек ўзгалар фарзандини ҳам севиб, ардоқлаши лозимлиги, одам-одам билан яшаши, дунёда одамдан қимматли жонзод йўқлигини унутмаслик кераклиги ҳақида фикр юритилади.

ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШАККУРИ

Шаҳримиздаги иккита транспорт корхонасидаги одамларнинг бир-бирига муносабати, бир-бирига нисбатан тутган қадр-қиммати қандай? Ушбу мақолада ана шулар ҳақида сўз боради.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БОШ КЎРГАЗМАСИДА

ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг тематик павильонида очилган «Ўзбекистон касаба союзлари съезддан — съездгача» деб номланган кўргазмани ҳамма зўр қизиқиш билан кўздан кечирмоқда.

Экспозициялардан жой олган барча диаграмма, экспонат ва фотомонтажлар республикамиз касаба союз ташкилотларида икки съезд оралиғидаги даврда амалга оширилган ишлар ҳақида сермазмун ҳикоя қилади.

Шу вақт ичида касаба союзлар ўзида 6 миллион ишчи ва хизматчиларни бирлаштирди. Касаба союз кадрларини тайёрлашга катта аҳамият берилаётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. 1981 йилнинг ўзидаёқ бошланғич ташкилотлар қошида ташкил этилган 1600 мактабда 710 минг касаба союз кадр ва активлари таълим олди. Шуниси қувончлики, ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари орасида ҳам союз аъзолари кун сайин ортиб бормоқда.

Меҳнат кишисининг талаби— касаба союз ташкилотларининг доимо диққат марказидадир. Ўлкамиз аҳолисининг моддий ва маданий ҳаёти кун сайин тобора яхшиланиб бормоқда. Шуниси диққатга сазоворки, социал страхование 1981 йилга келиб республикамиз бўйича 665 миллион сўмга етди. Шу жумладан санаторий ва курортда дам олишни ташкил этиш, туризмлар учун 33 миллион сўм маблағ сарфланди. Ушбу маблағ ҳисобидан ўлкамиз меҳнаткашларининг 377 мингги дам олиш муассасаларида маданий ҳордиқ чиқариб қайтди. Республикамизда касаба союз ташкилотларининг 16 та даволаш муассасаси, 250 та дам олиш уйи ва базалари мавжуд бўлиб, уларда бир вақтнинг ўзида 30 минг киши даволаниб, эстетик завқланиш имкониятига эга бўлди.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида ҳам амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Ўлкамиз пионер лагерларида 1 миллионга яқин ўқувчи кўнгилли дам олди. Ҳар йили касаба союз ташкилотлари болалар соғлиғини сақлаш борасида 15 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратмоқда. Аҳоли маданий савиясини юксалтириш йўлида касаба союз ташкилотларининг маданий-оқартув муассасалари ўтган йили республикамиз меҳнаткашлари ўртасида 446 минг лекция ва суҳбат ўтказди, 53 минг спектакль ва бадиий ҳаваскорлар иштирокида концерт намойиш этди, 19 минг тематик кеча ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси бугун Тошкентда очилган республика касаба союзларининг XII съездига муносиб совғадир.

К. ЭРДОНОВ.

Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг аҳил коллективи республика касаба союзларининг XII съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олди. Январь ойи топшириғи муваффақиятли адо этилди. Бунда тикув цехининг илғор ишчилари, касаба союз аъзолари (чапдан ўнгга) Муҳаррам Алимова ва Клара Рустамоваларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлди. Илғор ишчилар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган зарбдор ҳафталикларда фаол иштирок этиб, кунлик нормаларини 140 процентга етказиб адо этишмоқда.

И. Шоинноғомов фотоси.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ ВА МУСОБАҚА

ТАШАББУСКОРЛИК РУҲИДА

Партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: «Социалистик мусобақа—оммавинг ижодидир. Ўзининг моҳият-эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради». Пойтахт меҳнат коллективлари ташаббусини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйишда касаба союзларининг роли катта бўляпти.

Қуйида йирик корхоналарнинг касаба союз етакчилари съезд қарорларини амалга оширишда социалистик мусобақанинг роли ҳақида гапириб беришади.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

М. МИРПУЛАТОВ,
агрегат заводи касаба союз комитетининг раиси.

— «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги социалистик мусобақада бизнинг корхонамиз инженер-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари ҳам актив катнашмоқдалар. **КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари асосида касаба союз комитети меҳнат коллективлари ўртасида уюшқоқлик, ишчанлик ва интизомни кучайтириш йўлида кўп иш қилмоқда.** Айниқса социалистик мусобақани, ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришга муҳим аҳамият беряпти.

Маълумки, касаба союз ходимлари доимо ишчилар ҳаёти ичида бўлишади. Уларнинг кайфиятини, қизиқишлари ва эҳтиёжларини яхши билишади. Улар ўртасида майдонга келган ҳар қандай илғор ташаббусларни биринчилар қаторида илғаб олишади. Масалан, 20-цехдан фрезерловчи Х. Равшанкулов, созловчи Б. Йўлдошев, Ғ. Зокиров, Б. Круглов ва бошқалар СССР 60 йиллиги шарафига ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Ҳозир улар фақат цехдагина эмас, балки бутун корхонамизда бошқаларга намуна бўлишяпти.

Корхонамизда бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида коммунистлар қаторида касаба союз активистлари 1982 йилни зарбдорона меҳнат намуналари билан нишонлаш, мамлакат юбилейига янги меҳнат армуғонлари тайёрлашга аҳд қилдилар. Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. **Коллективимиз планга қўшимча 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш йиллик планини 29 декабрда бажариш мажбуриятини олди.**

Шу кунларда ана шу юксак аҳдга яраша иш олиб боряпти. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» мусобақасида биринчи ўринни Н. Красножён бошчилик қилаётган 1-механика йиғув цехи коллективи эгаллаб турибди. Иккинчи ўринда эса 9-цех коллективи бормоқда. Бу цехга М. Дорп етакчилик қиляпти. Касаба союз комитети ҳар ҳафтада мусобақага якун ясаяпти. Илғорларга фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари берилмоқда.

Шунингдек, биз бригада усулини кенг ёйишга ҳам катта эътибор беряпмиз. Бу борада айниқса 10-цехдан Анатолий Арзуманян бошчилик қилаётган комплекс бригада яхши ютуқларга эришяпти. Биз уларнинг иш тажрибаларини бошқа бригадалар ўртасида кенг ёйишга интиляпмиз.

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

А. РЯБЧЕНКО,
«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси.

— Ўртоқ Л. И. Брежнев партиямиз XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида **«... Бундан буён ҳам касаба союзлар, меҳнат коллективлари кишиларининг меҳнати, ҳаёти ва турмуш масалаларини қандай ҳал қилаётганларини қаттиқроқ контроль қилиш, уларнинг планлаштиришдаги ва ишлаб чиқаришни бошқаришдаги, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан самарали фойдаланишдаги иштирокини кенгайтириб бориш керак»,** деб таъкидлаб ўтган эди. Демак касаба союзларининг вазифалари ва ҳуқуқлари жуда кенг.

Биз коллектив шартнома қандай бажарилаётганлигига биринчи галда эътибор беряпмиз. Унда иқтисодий самарадорлик, социалистик мусобақани ташкил қилиш ва уни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини кенг тус олдиришга алоҳида аҳамият берилган. Коллектив шартномада белгиланган вазифаларнинг хўжалик раҳбарлари томонидан қандай бажарилаётганлиги йиғилишларимизда кўриб борилади.

Масалан, инженер-техник ходимлар, меҳнатни илмий ташкил этиш ва унинг секциялари ҳисоботлари касаба союзлари йиғилишларида тинглаб борилади.

Бизнинг бирлашмамизда социалистик мусобақани ташкил этишда асосан икки форма мавжуд. Биринчиси — ишчилар ўртасидаги мусобақалар ва инженер-техник ходимлар бригадалари ўртасидаги коллектив мусобақалар. Бу йил бошидан тузилган ижодий план асосида олиб борилади.

Касаба союз комитети ва маъмурият коллектив шартнома вазифалари, социалистик мажбуриятларни тайёрлаш масалалари юзасидан семинарлар ва кенгашлар ўтказиб туради.

Социалистик мусобақа кўпроқ фан ютуқлари ва янги техникани корхонамизда тезроқ жорий этишга қаратилган. Бунда ихтирочи ва рационализаторларимизнинг ҳиссаси каттадир. **Меҳнатни илмий ташкил этиш ва ихтирочилик-рационализаторлик ижодий ташкилотлари билан касаба союз комитетининг актив иш олиб бориши натижасида ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини амалга оширишга сарфланадиган вақт икки ҳисса қисқарди.** Бунда ижодий бригадалар ташкил этилгани ҳам катта роль ўйнаяпти.

Касаба союз комитети бирлашма маъмурияти билан биргаликда илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, инженер, ишчи ва хизматчиларни меҳнатни илмий ташкил этиш ва ихтирочилик-рационализаторлик ижодий ташкилотлари ишига кенг жалб этишга интиляпти.

Социалистик мусобақани ташкил этиш ва унинг аҳволи учун жавобгарлик масъулияти конкрет кишиларга юклатилган. Мусобақани ташкил этишга юзаки ёндошганларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Ҳар йили мусобақани такомиллаштириш йўллари инженер-техник ходимлар, касаба союз активлари, ишчи ва хизматчилар иштирокидаги йиғилишларда муҳокама этилади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Бу эса ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришнинг муҳим омилидир.

Мусобақанинг ижодий план асосида ташкил этилиши ўтган йилнинг ўзидаёқ бир неча миллион сўмлик иқтисодий самара келтирди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида бирлашмамиз коллективи деярли ҳар кварталда Бутуниттифоқ министрлигининг турдош корхоналари ўртасидаги мусобақада совриндор бўлиб келди ва 18 марта Кўчма Қизил Байроқни қўлга киритди!

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига мусобақада В. Карнацкий, К. Шадрин бошчилик қилаётган бригадалар, ишчилардан Б. Жалилов, А. Зеленский, В. Шевченко ва бошқалар олдинда боришяпти. Ўйлаймизки, ўн биринчи беш йиллик ва унинг иккинчи йили ҳам коллективимиз ҳаётида янгидан-янги муваффақиятлар билан унутилмас из қолдиради.

СПАРТАКИАДА ЯНГИ ЖОЙДА ЎТМОҚДА

«Гордорстройремонт» тресті асфальт-бетон заводининг собиқ территориясида қад кўтарган маданият ва саломатлик уйи иш бошлади. Бу ерда 300 ўринли катта мажлислар зали, 180 квадрат метр майдони бўлган спорт зали, ўйин комплекслари, методика кабинетлари жойлашган. Ёпиқ бассейни бўлган сауна типидаги ҳаммом қуриляпти.

Янги маданият ва саломатлик маркази — касаба союз ташкилотининг меҳнаткашлар саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир. Ўз кучлари билан бажарилган қурилиш ишларини М. Раҳматов бошчилигидаги қурилиш касаба союз комитети жиддий назорат қилиб борди. Бугунги кунда маданият ва саломатлик уйида спартакиада бўлиб ўтмоқда. Унинг қатнашчилари — трест бўлинмаларининг ёш меҳнатчиларидир.

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланайлик

Ёқилғи-энергетика ресурсларини сарфлашни назорат қилиш юзасидан шаҳар комиссиясининг мажлисида Сергели районидаги корхоналар ва ташкилотларда ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича ўтказилган текшириш натижалари тўғрисида сўз борди. Мажлис Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов раислигида ўтди.

Ўтган йили умуман район бўйича планда кўзда тутилганига қараганда 1,5 миллион киловатт-соат кўп электр энергияси, 14,4 минг гикакалорий ёқилғи тежаб қолишга эришилди. Лекин шу билан бир қаторда текшириш шуни кўрсатдики, бир қатор жойларда хўжасизлик ҳолларига йўл қўйилмоқда, ортиқча равишда иссиқлик энергияси сарфланмоқда. Жумладан, бу гап «Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига тааллуқлидир. Бу ердаги айрим буғ ўтказгичларида теплоизоляциялар йўқ, ишлаб чиқариш цехларида электр энергияси ўз вақтида ўчириб қўйилмайди. Металл конструкциялари ва ихтисослаштирилган-монтаж заготовкалари заводларида, «Вторчермет»да ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин. Бу ерда кундуз кунлари ҳам чироқларнинг ёниб туриш ҳолларига йўл қўйилмоқда, цехлардаги ойналар синган.

Коммунал хизмат кўрсатиш объектларини текшириш чоғида бу ерда ҳам электр энергиясидан оқилона фойдаланилмаётганлиги фактлари очиб ташланди. Сергели бозоридаги хоналар қўлбола электр иситгичлар билан иситилмоқда. Шундай ҳолни 12-сартарошхонанинг филиалида, «Ташхозторг»нинг 13-магазинида ҳам учратиш мумкин. Бу гапларнинг ҳаммаси шуни кўрсатмоқдаки, бу ерда моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласига панжа орасидан қаралмоқда.

Мебель фабрикаси ётоқхонаси, «Главташкентстрой» саноат ишлаб чиқариши бошқармасининг қурилиш материаллари заводи. 4-ошхонага қарашли марказий ошхонада ва биринчи навбатда 121. 459-болалар комбинатида. 3-мактабда аллақачонқ зарур тартибни ўрнатиш керак эди. Юқорида айтиб ўтилган корхона ва ташкилотлар қишга ўз вақтида тайёргарлик кўрмади.

Районда кузги-қишки даврда аҳолини керакли иссиқлик билан таъминлашни яхшилаш учун «Сергели» 8-район қозонхонасининг мазут сақланадиган омборхонаси қурилишини ниҳоясига етказиш ва «Спутник» турар-жой массивида иссиқлик трассаси реконструкциясини бошлашга киришиш керак.

Мажлисда меҳмонхоналар хўжалиги ва Акмал Икромов районининг Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейига кўраётган тайёргарлиги ҳақидаги ҳисоботлар ҳам тингланди. Республика пойтахтини комплекс қуриш, уни ободонлаштириш бўйича ишларнинг суръат ва сифатларини контроль қилиш бўйича комиссия аъзолари белгиланган тадбирларнинг бажарилиши суръатини тезлаштириш, бу масалаларни ҳал этишга катта масъулият билан ёндошиш зарурлигини таъкидладилар.

Комиссияларнинг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ: БУГУН ВА ЭРТАГА

Сергели янги қурилишлар районидир. Бу сўз ҳеч муболағасиз жаранглайди. Негаки, бугун бу ерда янги қурилишлар кўкка бўй чўзмаган, саноат ва граждан объектлари қурилиши авж олмаган бирор бурчакни топиш қийин, аммо бу соҳадаги истиқбол режалари янада улкандир.

Тошкентнинг 2000 йиллиги арафасида район қиёфаси қандай бўлади? Унинг аҳолиси юбилейни яна бир сана — СССР 60 йиллигини қандай тайёргарлик билан кутиб олаётганлиги, район партия ташкилотлари ва халқ депутатлари советлари ўтказаётган қимматли иш тажрибалари ҳақида ана шу саҳифа материаллари ҳикоя қилади.

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Б. ТУРИК,
Ўзбекистон Компартияси Сергели район комитетининг биринчи секретари.

Шаҳримизнинг барча меҳнаткашлари қатори сергелиликлар ҳам шу кунларда КПСС XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми тарихий қарорларини амалга ошираётиб Совет давлатининг 60 йиллик юбилейига муносиб армуғон ҳозирлашмоқда.

«Шонли юбилейни,— деган эди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III Пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов,— улкан сиёсий воқеа, улуғ Октябрь ғоялари, партиянинг ленинча миллий сиёсати, пролетар интернационализми принциплари, Советлар мамлакати халқларининг бузилмас дўстлиги, қардошлиги ва ҳамкорлигининг тантанаси сифатида нишонлаш керак».

Бу қоида меҳнаткашларни беш йилликнинг иккинчи йили ҳамда умуман ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этишда Сергели район партия ташкилотларининг ишида асосий дастурил-амал бўлиб қолди.

«Совет давлатининг 60 йиллигини муносиб кутиб оламиз» шиори остида юзлаб бригада, цех, участка ва коллективлар мусобақалашиб, бир-бирларига энг яхши меҳнат эстафеталарини беришмоқда.

Социалистик мусобақанинг олдинги сафида райондаги илғор коллективлар: «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» ўтказиш шиорини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси, Сергели авиакорхонаси ва 3-автокомбинат каби ташкилотлар боришмоқда.

Масалан, Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ишчиларнинг ҳаммаси шонли юбилейни муносиб кутиб олиш учун зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олишди.

Фақат шу бирлашма ҳамда «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмасида 200 га яқин ишчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига қадар бажаришга аҳд қилишди. Улар орасида Халқлар дўстлиги ва «Ҳурмат белгиси» орденлари кавалери Эркин Икромов, «Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш» шиори остида ишлаётган Ленин ордени кавалери Рауф Каримов, Вера Волкова, III даражали Шуҳрат ордени кавалери Маҳаматжон Муҳсимов ва бошқалар бор.

Зарбдор ҳафталикларни юксак ташкилотчилик, ғоявий-сиёсий даражада ўтказиш район партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари олдидаги энг муҳим вазифадир. Район партия комитети, халқ депутатлари район Совети ижроия комитети социалистик мусобақанинг боришини мунтазам назорат қилиб турибди, ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

1982 йилги социалистик мажбуриятларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш, пландан ташқари 3 миллион сўмликка яқин саноат товарлари реализация қилиш, саноат ишлаб чиқаришни 1981 йилдагига қараганда 7,5 процентга ўстиришни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини эса пландагига қараганда 1 процентга ошириш тадбирлари белгиланган. Фақатгина рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига йилига 2 миллион сўмлик иқтисодий самара олиш кўзда тутилган.

Сергели республикамиздаги жадал ривожланаётган районлардан бири. Ўн биринчи беш йилликда унинг саноат ишлаб чиқариши ўсиши 30 процентдан кўпроқни ташкил этади. Реконструкцияларни амалга ошириш туфайли «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмасида, транспорт қурилиш министрлигига қарашли темир-бетон конструкциялари ва ремонт-механика заводлари, қурилиш плиталари ишлаб чиқариш корхонаси, резина-техника буюмлари заводлари ҳамда бошқа бир қатор корхоналарда ишлаб чиқариш қувватлари анча оширилади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашнинг муҳим резервларидан бири корхона ва бирлашмаларнинг филиалларини ташкил этишдан иборат. Ҳозир «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмасида шундай филиал ишлаб турибди. Ошхона ва бошқа мебеллар ишлаб чиқариш заводида шундай филиал қурилиши тугалланмоқда.

Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нисбати умумий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмида 6 бараварга оширилади.

Халқ истеъмол, маданий-маиший ҳамда рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш ҳажми бир неча бараварга оширилади. Ушбу беш йилликда икки юз миллион сўмликка яқин капитал маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Бу янги корхоналар, уй-жой кварталлари, маданий-маиший объектлар, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи объектлари демакдир. Ўтган йили уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани 7 ноябргача бажарилиб, пландан ташқари 30 минг квадрат метр уй-жойлар қуриб битказилди.

Тошкентнинг 2000 йиллигини нишонлаш арафасида районимиз қиёфаси янада ўзгариб, кўркам ва обод кўринишга эга бўлади. Йирик ҳажмли блокли ва панелли уйсозлик заводи ишга туширилади. Бу эса бевосита уйларни қурилиш майдонларининг ўзида тайёр блоклардан йиғилишини таъминлаб, уй-жой қурилиши суръатларини жадаллаштириш имконини беради.

Районнинг ҳар жиҳатдан тез ривожланаётганлиги албатта бир қатор проблемаларни ҳам келтириб чиқаради. Биз уларни ҳозирданоқ ҳал эта бошладик. Масалан, корхоналар ва райондаги ташкилотлар маблағлари ҳисобига кўпгина савдо, маиший хизмат, инженерлик объектлари қурилиши амалга оширилади. Жанубий саноат зонасида иккита ошхона, йўловчилар ўтадиган ер ости ўтиш йўли, 600 номерли 58-АТС ва бошқа объектлар шулар жумласидандир. Меҳнат коллективларини районни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига янада кўпроқ жалб этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Биз Сергелининг фақатгина шаҳримизда эмас, ҳатто республикамизда ҳам йирик транспорт узели эканлигини ҳисобга олиб иш тутамиз. Бу ерда Тошкент ва Сергели авиакорхоналари сингари муҳим транспорт корхоналари, 4-автопарк, 3-автокомбинат ва бошқа республикада йирик транспорт ташкилотлари жойлашган. Районни комплекс тараққий эттириш планларида бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга, райондаги транспорт ташкилотлари томонидан республика аҳолисига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга катта ўрин берилган. Масалан, кўп ташкилотларда, транспорт линияларида меҳнат унумдорлиги, иш интизомини яхшилаш имконини берадиган бригада пудратини кенг оммалаштириш, халқ хўжалиги юкларини ташиш ҳажмини янада кўтариш вазифалари белгиланган.

Бу ишларнинг ҳаммасини ғоявий, сиёсий-тарбиявий ишларни кенг қулоч ёйдирмасдан туриб амалга ошириш қийин. Районда партия, комсомол ва иқтисодий ўқув системаси машғулотларида муҳим партия ҳужжатлари, КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини ўрганишга кенг ўрин бериляпти.

Ўн биринчи беш йилликда минг ўринли маданият саройи, 150 минг китоб фонди бўлган иккита кутубхонани фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Албатта, кичик мақолада районимиз истиқболи, тараққиёти билан боғлиқ барча масалаларни қамраб олиш қийин. Шубҳа йўқки, бу улкан режалар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, шаҳар партия комитетининг доимий ғамхўрлиги ва эътибори, район партия комитетининг меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди тарихий қарорлари, ўн биринчи беш йилликнинг улкан планларини сўзсиз бажаришга сафарбар этиш бўйича олиб бораётган ғоявий-тарбиявий ишлари бунинг гаровидир.

РАЙОН БИОГРАФИЯСИ

Район 1967 йили ташкил этилди. 1970 йилги рўйхатга кўра унинг аҳолиси ўшанда 37,5 минг кишини ташкил этган.

* * *

1979 йилга келиб, район аҳолиси 57 минг кишига етди. Сергели массивидаги 1, 2, 3, 4-микрорайонлар, Қўйлиқ—5 Б квартали вужудга келиши билан район аҳолиси сони тез ўсди.

* * *

Ҳозир районда 80 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Фақатгина ўтган йили бу ерда 220 минг квадрат метр янги, обод, шинам уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

* * *

Ўтган беш йиллик мобайнида районда «Узвторцветмет», «Узвторчермет», қуёш тўсқич мосламалар, металл конструкциялар ва махсус монтаж ускуналари заводлари, ошхона ва бошқа мебеллар заводлари, Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик саноат корхоналари ишга туширилди. Ҳозир районда 17 саноат корхонаси ва 14 қурилиш ташкилоти ишлаб турибди.

* * *

Сергели районида республикамизнинг йирик транспорт корхоналари жойлашган. Бугунги кунда уларнинг сони 14 тага етди.



Граждан авиациясининг 243-ремонт заводи Сергели районининг энг йирик корхоналаридан биридир. Бу ерда «Аэрофлот» нинг улкан «Ил-62» самолётлари капитал ремонт қилинибгина қолмай ҳар ойда ўнлаб самолётларнинг двигателларига қайта ҳаёт бағишланади.

СУРАТДА: мотор участкасининг О. Балабушченко бошлиқ илғор бригадаси.

САНОАТ

МУҲИМ САНАГА ТАЙЁРЛАНАЁТИБ

Райондаги кўплаб саноат корхоналаридан ушбу саҳифада ёритиш учун «Ўзбекистон» табиий ва сунъий кўн ишлаб чиқариш бирлашмасини танладик. Бу бежиз эмас. Корхона шу турдаги республикадаги энг йирик бирлашмадир. Унинг коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақанинг олдинги сафида бормоқда.

Бирлашма меҳнатчилари бу муҳим санага қандай тайёргарлик кўраётганлиги ҳақида жамоатчи мухбиримиз Т. Шорликов бирлашма партия ташкилоти секретари Светлана Мухтаровна РАКИТИНАдан ҳикоя қилиб беришни илтимос қилди.

— Корхонамиздаги барча заводлар, цехлар ва ишлаб чиқариш участкалари «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» шиори остида меҳнат қилмоқда. Э. А. Аврутина раҳбарлик қилаётган сунъий чарм ишлаб чиқариш заводи эса СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрами арафасини ўн биринчи беш йилликнинг икки ярим йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилди.

Бу қимматли ташаббус район партия-хўжалик активи йиғилишида қўллаб-қувватланди ва уни эндиликда ўнлаб илғорлар ўз корхоналарида кенг жорий этишмоқда.

«Ўн биринчи беш йилликда ўн ва ундан ҳам кўп йиллар топшириғини бажарамиз» шиори остида меҳнат қилаётган сунъий чарм тайёрлаш агрегати машинисти Мария Манаева, тикувчи-мотористка Мария Насибуллина, оператор Ҳусан Тўрабоевлар ҳам корхона илғорлари саналади.

Бирлашмамиз пойафзал тагчармлари ишлаб чиқарадиган республикадаги ягона корхонадир. Яқинда биз яна бир янгилик — полиуретандан тагчармлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик.

Бугунги кунда корхонамиз махсус чармлар, сунъий чарм, резина тагчармлари, клей ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Тошкентнинг 2 минг йиллигига қадар биз ўз маҳсулотларимизнинг тўртдан бир қисмини давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга аҳд қилдик.

• *Устозим ҳақида ҳикоя қиламан*

НАМУНАЛИ МАРШРУТ

Мен ҳайдовчи бўлиб ишлаётган 4-автобус парки шаҳримиздаги энг яхши автохўжаликлардан бири ҳисобланади. Коллективимиз ўтган йилнинг план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари адо этди. Иккита маршрут — 25 ва 90-автобус маршрутларга намунали хизмат маршрут номи берилди.

Менингча фойдали тажриба. Бизда ҳайдовчилар эрталаб соат 4 дан 45 минут ўтганда корхонага етиб келишади. Уларга техник хизматдан ўтган мутахассислар ва ҳайдовчилар яхши ишлашига кафолот берган тайёр автобус беради. Ҳайдовчи келиши билан уни линияга олиб чиқади. Бу автохўжалигимиз хизмат кўрсатаётган маршрутларда ҳаракат мунтазамлиги коэффициентини 90 дан 95,1 процентга кўтариш имконини берди. Бу республикадаги энг юксак кўрсаткичдир.

Ана шу янгиликларни биринчилардан бўлиб амалда жорий этаётган ўз бригадам ҳақида гапириш янада мароқлидир. Бригадамиз «КПСС XXVI съезди номли бригада» деб аталади. Бундан ташқари «Ўзбекистон ССР автотранспорт министрлигининг энг яхши бригадаси», «Намунали хизмат кўрсатиш бригадаси» деган номлар ҳам коллективимиз меҳнатига берилган муносиб баҳолардир. Бу бригадани район партия комитети аъзоси Тельман Абдуллаевич Абдураҳмонов бошқармоқда. Бу ажойиб инсон, етук мутахассис, доно устоз, дилкаш суҳбатдош, ҳақиқий ўрток ҳақида яна жуда кўп яхши гапларни айтиш мумкин.

Аслида бригадир ҳақида унинг бригадаси ишларининг ўзи яхши ҳикоя қилади. У бошқараётган коллективимиз 1977 йилдан буён бригада пудрати методи асосида ишлаб келмоқда. Бригада йил сайин «Намунали хизмат бригадаси» номини шарафлаб келмоқда. Бу ерда етти миллат вакиллари ҳамдўст бўлиб ишлашмоқда. Барча ишлар коллектив билан баҳамжиҳат амалга оширилади. Социалистик мусобақа якуни, планларнинг бажарилиши, мураббийлик ҳаракатини кенг авж олдириш ва бошқа масалалар коллектив равишда ҳал этилади.

Ўтган йил планларини бригадамиз 7 ноябрдаёқ бажарган эди. Бунда «қолоқларсиз ишлайлик» шиорига амал қилиш муҳим роль ўйнади. Аслида бригадамиздаги асосий фигура унинг раҳбари Тельман Абдураҳмоновдир. У коллективни зиммадаги шарафли вазифани бажаришга сафарбар этишга доимо катта масъулият билан ёндошади. Шахсий намуна кўрсатиб бошқаларни ютуқларга илҳомлантиради. У ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш, ўзи бошқараётган автобус бўйича ҳаракатлар мунтазамлигини 100 процентга етказишга аҳд қилган.

А. ҒАФУРОВ,
4-автобус парки ҳайдовчиси.

ТРАНСПОРТ

Ҳавода ва ерда

Тошкент авиакорхонаси коллективи беш йилликнинг биринчи йили планларини барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари адо этди. 1981 йилнинг иш якунларига кўра у Граждан авиацияси министрлиги системасидаги корхоналар орасида илғорлар сафида тилга олинди. Ўтган йили ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш бўйича ҳам бир қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Авиайўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, учишлар мунтазамлигини ошириш бўйича кўрсаткичлар ҳам бу борадаги ютуқларимизга мустаҳкам алоқадордир. Бу кўрсаткич бизнинг корхонамизда бутун мамлакат бўйича олгандагига қараганда ҳам анча юқори.

Иш самарадорлиги ва сифатини оширишга янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ муҳим аҳамият бера бошладик. Чунки бу социалистик мажбуриятларимизни муваффақиятли бажариш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш имконини беради. Коллективимизнинг СССРнинг 60 йиллиги ҳамда Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини нишонлаш учун олиб борадиган ишлари истиқбол режалари ҳақида гапириш янада мароқлидир.

Яқиндагина Тошкент аэропортидаги асосий учиш-қўниш йўли реконструкция қилиб бўлинди. У эндиликда Граждан авиацияси Халқаро союзи (ИКАО)нинг иккинчи категориясига мувофиқ келадиган энг юксак жаҳон стандартлари даражасидаги мосламалар билан жиҳозланган. Бу деган сўз кўриниш масофаси энг қийин вазиятларда ҳам самолётларнинг юксак интенсивлик бўйича учиш-қўнишини таъминлайди. Ҳар қандай об-ҳавода, булутлар паст бўлган ва туман пайтларда ҳам аэродромимиз самолётларни учириш ва қўнишини таъминлаш имкониятига эга бўлганлиги биз учун қувонарли ҳолдир.

Аммо бундай қийин вазиятларда самолётларнинг учиб-қўнишини амалга ошириш учун уларни бошқараётган экипажларнинг маҳоратини ошириш, такомиллашган самолётларни ишлатиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Такомиллашган «ИЛ—62» ва «ТУ—154» самолётлари ана шундай зарур электроника мосламалари билан жиҳозланган. Учиш ва қўнишни қийин шароитларда ҳам амалга ошириш имконини берадиган бундай самолётларни корхонамиз авиаторлари усталик билан бошқаришмоқда. Ҳозир экипажларни юқорида айтиб ўтилган Граждан авиацияси Халқаро союзининг иккинчи категорияси бўйича самолёт бошқаришларини таъминлаш учун тайёрлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Тез орада энг моҳир учувчиларимиз, экипажларимиз бу соҳадаги комиссия синовига тақдим этилади.

Авиайўловчиларга тайёрлаётган энг асосий совғаларимиздан бири корхонамиздаги энг яхши экипажларнинг «ИЛ—86» аэробусларини бошқаришни ўзлаштира бошлаганлигидир.

Маълумки, Тошкент Аэрофлотнинг ана шу энг замонавий самолёти уча бошлаган мамлакатдаги энг биринчи шаҳар. Шунинг учун ҳам бизда бу самолётга хизмат кўрсатиш бўйича бой тажриба тўпланган. У мамлакатимиз Граждан авиацияси министрлиги томонидан юксак баҳоланганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Эндиликда «ИЛ—86» самолётини ҳавода бошқаришни ўзлаштириш вазифаси олдимизда турибди. Шундан сўнг бу типдаги самолётлар Тошкентдан Москвага, Ленинград, Минвода, кейинроқ эса йўловчилар қатнови тиғиз бўлган мамлакатнинг бошқа шаҳарларига уча бошлайди.

Республиканинг маҳаллий авиайўлларида ҳам йўловчилар оқими тез ўсмоқда. Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида авиаторларимиз томонидан «ТУ—134» самолётини бошқариш ҳам ўзлаштирилди. Эндиликда бундай тез учар ва комфортабель самолётлар Нукус ва Урганчга, республиканинг бошқа шаҳарларига қатнаб йўловчилар узоғини яқин қилмоқда. «АН—24» ҳамда «ЯК—40» самолётларининг бир қисми ўрнига кейинчалик ана шу типдаги самолётлар қатнай бошлайди. Йўловчиларнинг самолётга чиқишлари бўйича хизмат кўрсатишни яхшилаш, жумладан телескопик траплар ишлатишни янада кенгайтириш тадбирлари ҳам белгиланган. Шунингдек, авиабилетларни рўйхатдан ўтказиш ишларини такомиллаштириш, справка-информация хизматини техник жиҳатдан такомиллаштириш ишлари амалга оширилади. Тошкент — Москва — Тошкент, Тошкент — Ленинград — Тошкент ҳамда бошқа бир қатор авиатрассаларда йўловчилар учун СССРнинг 60 йиллиги ҳамда Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган викториналар ташкил этилади.

Яна бир янгилик. Уни йўловчилар аэродромда илғамаслиги ҳам мумкин. Бу марказий заправка станциясининг тез орада ишга туширилиши бўлиб, у келгусида учишлар мунтазамлигини ошириш имконини беради. Бу самолётларни ёнилғи билан тез заправка қилиш, қўшимча равишда ёнилғи материалларни тежаш имконини беради.

Тошкент аэропорти — халқаро аэропортдир. У Граждан авиацияси Халқаро союзи системасига киритилган. Аэропортимиз орқали бир қатор авиакампанияларнинг халқаро ҳаво йўллари ўтади. Масалан, Афғонистон Демократик Республикасининг «Ариана Афған эрлайнз» кампанияси самолётлари Тошкент орқали Москва, Лондон ва Амстердам шаҳарларига қатновчи йўловчиларга хизмат қилади. Шаҳримиз орқали Кобул—Москва трассаси ҳам ўтган бўлиб, унга шу авиакампания ҳамда Аэрофлот хизмат кўрсатади. Тошкентдан ўтадиган ҳаво йўллари кўплаб шаҳарларни Хошимин, Рангун, Калькутта, Коломбо ва жаҳоннинг бошқа шаҳарлари билан боғлайди.

Авиакорхонамиз коллективи эса СССР юбилейи кунига қадар барча план-топшириқларнинг муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт беришга аҳд қилишди.

Р. ЛУТФИТДИНОВ,
Тошкент авиакорхонаси командири, СССРда хизмат кўрсатган штурман.

ИСТИҚБОЛГА БИР НАЗАР

ФАҚАТ УЧ СУРАТ...

«Ташгипрогор» лойиҳалаш институтининг асосан Сергели районининг янги қиёфасини яратиш бўйича иш олиб бораётган 4-устахонасида кўплаб бўлғуси бинолар — уй-жойлар, маданий маиший ва соғлиқни сақлаш объектларининг макетлари эътиборни жалб этади. Биз ана шу макетлар акс эттан планшетларнинг учтасини суратга олиб, уни шарҳлаб беришни Сергели район ижроия комитети раиси Ҳикматулла Ёқубович Охунжоновдан илтимос қилдик.

— Биринчи суратда янги ҳунар-техника билим юрти эскизи акс этган, — дейди у. — Ҳозир бу бинода пардозлаш ишлари олиб борилябти. Ўз қиёфаси жиҳатидан анча кўркам бўлган бу бино Сергели массивидаги 2-микрорайон яқинида қад кўтарган.

Умуман районимизда бунга ўхшаш ўқув юртлари яна кўплаб қурилади. Масалан, Тошкентнинг 2000 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилаётган Автомобиль йўллар техникуми комплекси ҳақиқий ўқув марказига айланади. Бу ерда ўқув корпуслари ёнида тўққиз қаватли ётоқхона, умумий овқатланиш ва маиший хизмат блоклари ҳам мавжуд бўлади.

Яқин йиллар ичида савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ҳам анча кенгайтирилади. Яқиндагина 2 ва 3-микрорайонларда янги савдо маркази фойдаланишга топширилди. Тез орада яна юз ўринли ошхона (иккинчи сурат) ва универсам (учинчи сурат) қурилиб ишга туширилади.

Районда қад кўтарадиган янги қурилишлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо энг аввало уй-жой қурилишининг кенг кўламларини таъкидлаш лозим. Фақатгина шу беш йилликнинг ўзида 1 миллион квадрат метрга яқин уй-жойлар фойдаланишга топширилади.

Район аҳолиси жадал ўсаётган экан, уларга маданий, маиший, медицина хизмати, болалар боғчалари ва мактаблар қуриб бериш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Албатта бу мураккаб проблемаларни бирданига ҳал этиш қийин. Аммо районнинг комплекс равишда қурилаётганлиги туфайли турли муассасалар ҳамда мактаблар тармоғи, медицина муассасалари, маданият ва маиший хизмат корхоналарини қулай жойлаштириш бир қатор афзалликлар яратиб, проблемаларни ҳал этиш имконини беради. Масалан, Москва кўчасида 850 киши қатнаб даволанадиган 7 қаватли поликлиника ва 130 ўринли туғруқхона қад кўтаради. Улар энг замонавий такомиллашган медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланади. Худди шу кўчада қурилаётган янги биноларга ЗАГС ҳам кўчиб ўтади.

Ленинград кўчасида қурилиши кўзда тутилаётган тўрт қаватли маиший хизмат уйи йилига аҳолига 350 минг сўмлик хизмат кўрсатади. Янги магазинлар, маиший хизмат корхоналари деярли барча кварталларда, шунингдек Прибалтийская ва бошқа кўчаларда вужудга келади.

Кўчаларнинг номлариданоқ маълумки, улар Москва, Ленинград шаҳарлари, қардош республикаларнинг вакиллари томонидан Тошкент зилзиласи оқибатларини бартараф этиш пайтида қурилган. Бу кўчалардаги бинолар жасур ҳарбий қурувчилар ва шунингдек табиий офатдан шикастланган шаҳримизга қардошлик ёрдам қўлини чўзган мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарлари бунёдкорларининг қўли билан бунёд этилган.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан кўчалар ҳақида бўлаётган экан, мен Сергелини бошқа районлар билан боғловчи асосий кўча ҳақида ҳам гапиришни истардим. Ҳозир ана шу асосий магистралдан ўтган одамлар, унда транспортларнинг ҳар иккала йўналишда қандай улкан оқим билан ҳаракат қилаётганлиги гувоҳи бўладилар. Баъзан бу кўчада транспортлар бир-бирига йўл бермай «пробка» ҳосил бўлиш ҳоллари ҳам учраб туради. Районнинг тараққий этиши билан, ўз-ўзидан маълумки, йўловчилар, юк ташиш ҳажми ҳам янада ошади. Шунинг учун ҳам районни тараққий эттириш планларига мувофиқ бу магистрални анча кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Кўчанинг умумий эни 80 метрни ташкил этади. Ҳар иккала йўл ўртасида кенг яшил зона мавжуд бўлиб, у ҳам кўчага манзара беради, ҳам ҳавони чанг ва машиналардан чиқадиган тутунлардан тозалайди.

Кўп ўтмай эса бу кўчанинг ҳар икки тарафида янги микрорайонларнинг кўп қаватли кўркам бинолари жойлашади. Райондаги янги кварталларнинг комплекс қурилишида кичик архитектура формалари, шунингдек спорт майдончалари, болалар ўйнайдиган майдончалар ва кўркам ҳовузчалар бўлиши ҳам ҳисобга олинган.

... Фақат уч сурат. Агар уни ўзининг кундалик ишини иштиёқ билан бажарадиган, келгусида ҳаётга татбиқ этиладиган улкан режалар билан яшаётган киши шарҳласа бу суратлар районнинг келгусидаги қиёфаси ҳақида чиндан ҳам кўпроқ тасаввур беради.



Одоб-ахлоқ ҳақида
оқшом суҳбатлари
№ 31

«ЭЙ ДИЛ, МЕНДАН БУ ЯХШИ СЎЗНИ ТИНГЛАГИНКИ, БУНИ НУКТАДОНЛАРДАН ЭШИТГАНМАН: ҲАР КИМ БИРОВГА НОМЕҲРИБОНЛИК ТИҒИНИ ТОРТСА, УНИНГ ЎЗИ РАҲМСИЗЛИК ТИҒИНИНГ ҚУРБОНИ БЎЛАДИ».

(Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамирнинг «Макори-мули-ахлоқ» — «Яхши хулқлар» асаридан).

Оила даврасида

ФАРЗАНДГА ТАХТ ЭМАС, БАХТ БЕРИНГ

Шинам уйда товусдек товланиб, қуёшдек чарақлаб, кўзларини меҳр билан сузиб янги келинчак юрибди: уйда ҳамма нарса бор, ҳаммаси муҳайё. Куёв бола ишда, қайната юмуш билан бозорга тушиб кетган, кекса нуроний қайнона пешайвонда кўзига тилла гардишли кўз ойнак тақиб алланима тикиб ўтирибди. У ўйлайди: «Келин эмас, бу жодугар! Ўғлимни ўзига оғдириб олади. Шошма, ҳали сенга кўрсатаман!»

«—Шу оилада тиниб-тинчиб кетармикинман? Қайнанамга ёқармикинман? Наримон акамни ҳам яхши кўриб қолдим, у киши билан абадий бахтли бўлармикинман? Кечаси «жонимсиз» дедилар... Доим жонлари бўлиб қолармикинман? Қайнатам жуда яхши одам... Эрталаб қўллагига сув қуйиб турганимда «Барака топинг, бахтли бўлинг қизим», дедилар... Айтганларидек бахтли бўлармикинман?»

Зумрадхон шундай ўйларди. У бу оилага тўсатдан келин бўлиб тушди. Ўн саккиз ёшида келин бўлиб тушди. Педагогика институтининг биринчи курсини энди тугатаётганда, Наримонжон бу қизни бир тўйда кўрди-ю, маҳлиё бўлиб қолди, доим парвона бўлиб қолди.

Зумрадхон оқила қиз эди. Бир куни Наримонжон унинг йўлидан чиқиб, илтижо қилди:

— Зумрадхон, мен... мен... Биласизми, сизга... сизга албатта уйланмоқчиман... Сиз... нима дейсиз?

Зумрадхон қорақош, қарқуноқ кўз бу йигитга қаради-ю, қалби титраб кетди:

— Менга бунақа гапларни айтманг... Ёмон кўраман...

Ҳа, Зумрадхон бунақа гапларни ёмон кўрарди. Қиз бола ёшга етиб ўзига оро бердими, турмушни, жуфт бўлишни ўйлайди. Зумрадхон ҳам шундай эди. Лекин у темир йўлда оддий юк ташувчи бўлиб ишлайдиган кекса дадасини, мактабда фаррошлик қиладиган онажонини ўйларди. У шу пайтгача бирор йигитга қўл бермаган, кўз сузмаган, муҳаббат боғламаган эди. Бу Наримонжон қизиқ чиқиб қолди. Ҳеч қўймайди. Ниҳоят Зумрадхон дилини ёзиб айтди:

— Менга бунақа гапларни айтманг... Ойим билан дадам билишади... Лекин шу гапимни ҳам ойим билан дадам эшитишмасин, мен жуда уяламан.

Наримонжон уйда ёлғиз ўғил эди. У эрка, дуркун, истак-орзуларига етиб ўсди. Отаси кимсан — прокурор, онаси яхши бир гастрономда директорлик қилиб, яқиндагина пенсияга чиққан. Уларнинг ширин умиди якка-ягона ўғиллари Наримонжонни уйлантириш, келинли бўлиш, қанду-асал набира кўриш эди. Қарангки, бирдан орзу ушалди. «Уйланишни ўйлаб кўраман, ўқишни тугатиб олай» деб юрган уятчангина Наримонжон бирдан Зумрадхонга ошиқу-беқарор бўлиб қолди. Бундан хабар топган ота-она қуш қанот ёзгандек қувониб, парвозга, совчиликка шошилишди. Зумрадхоннинг уйига танда қўйиб, остонасига ётиб олишди.

Аввало Наримонжоннинг ойиси — Санобар ая ҳар келганда гапни баланддан олди:

— Якка-ю-ёлғиз ўғлимиз... Қизингиз ҳам сизларга ёлғиз фарзанд экан... Берасиз. Бахтли бўлади... Жон қудажон, қизингизнинг оҳини озода қилмайман.

Зумрадхоннинг ойиси — Холисхон опа айтди:

— Қизимиз ҳали ёш... Бу йил институтга кирди. Битирсин, ўқимишли бўлсин дегандик. Мен ўқимадим, мана мактабда фаррошман, қизим ҳам шунақа бўлмасин деб, ўқитаяпман.

— Вой, айланай,— деди Санобар ая камтарона бир ҳолатда,— ўқиш бўлса бўлаверади. Ўқиганлар қаёққа борибди... Зўр келса, мана мен пенсиядаман, набирали бўлсам ўзим қарайман. Зумрадхон ўқишни тугатиб олади. Албатта ўқитамиз, келиним олий маълумотли бўлса, менинг ҳам обрўйим.

Холисхон опа хаёлга толиб, «икир-чикир»ларни, қизига ҳали яхши мол-ҳол қилолмаганини ўйлади, кейин мискингина жавоб берди:

— Зумрадхон ёш деб, «у-бу» нарсаларини ҳам тайёрламагандик, юзимиз ерга қараб қолади-да...

Санобархон ая гапни илиб кетди:

— Унақа деманг қуда, мол-дунё топилади... Борича бозор қилиб, қизингизни бераверасиз. Ота-она фарзандига тахт эмас, бахт бериши керак. Буёғи ўзимизга тан, кам-кўстини тўғрилаймиз.

Холисхон опанинг кўнгли юмшаган бўлса ҳам, қалбининг бир чеккаси жизиллар эди.

— Шунақа дейсизу, кейин қизимнинг кўнгли чўкиб юрса, дадаси билан мен қандай чидаб юраман.

— Қўяверинг, ҳаммаси бўлади.

Санобар аянинг ана шу «ҳаммаси бўлади» деган сўзи билан ҳаммаси бўлди. Зумрадхоннинг заҳматкаш адаси — Йўлдош ота меҳнат йўлида топган-тутганини, фаррош онаси— Холисхон опа супуриб-сидириб йиғганини тўплаб, якка-ягона қизларига бахоли қудрат мол-ҳол қилишди, тўйга қариндош-уруғ, ёру-биродар билан тараддуд кўришди.

Тўй ўтди. Ширин тўй ўтди. Орадан ярим йил ҳам ўтди. Шу орада икки оила ўртасида қора мушук ўтди.

Зумрадхоннинг қайнанаси бир кун шундай гап қотди:

— Келин, сиз устомонсиз, тагингиз паст, адангиз юк ташувчи, ойингиз фаррош... Ҳеч нима кўрмагансиз, рўзғор тутишни, гугурт тутатишни, тузни аяшни билмайсиз. Ҳуснингиз ойдек бўлса ҳам, одамга, келган меҳмонларга кулиб боқишни билмайсиз-а? Одам кўрганмисиз ўзи?..

Бу ҳақорат эди, бу Зумрадхоннинг қалбига наштар эди. У қайнанасининг оҳини озода қилишни истамас эди. Шунинг учун ширингина гап айтди:

— Ойижон кечиринг, мен янглишибман.

Шу куни кечқурун Зумрадхон пешайвондаги печкага ўт ёқиш учун челакда кўмир олиб келаётган эди, бир гап эшитиб қолди. Санобар ая ўғлига уқтирарди:

—Хотинининг чиройли бўлгани билан ўқувсиз, калтафаҳм. Бу билан яшасанг, умринг лаҳатда ўтади. Яхшиси, тезроқ жавобини бериб юбор... Ўқишни ҳам ташлади-ю, уйни эплолмайди.

Зумрадхон ўйлаб қолди:

Е, тавба! Оғир оёқ бўлсам, шу оилам деб ўқишни ташлаган бўлсам, ҳаммаёқни, ҳамма нарсани саранжон-саришта қилган бўлсам, қайнанамни силаб-сийпалаб қалин ўринга ўтказиб қўйган бўлсам, яна мен ўқувсизманми, мен калтафаҳмманми? Эҳ онажоним, шу оилага бераётганингизда: «Эҳтиёт бўл қизим, уларнинг ҳамма айтганларини қил, ёнларига ёндош» деб айтгандингиз. Шундай қилдим-ку. Нега бу ситамларни кўряпман?

Зумрад қайнанасидан яна кўп ситамларни кўрди. Лекин Наримонжон уни сўнгги кунга қадар бошига кўтарди. Қайнотаси Сарвар ота адолат билан уй жанжалларини ҳал этди. Лекин Зумрадхонга гулзордек уй ҳам, шинам безатилган хона ҳам, мол-давлат ҳам, пок-покиза Наримонжон ҳам, нуроний қайната—Сарвар ота ҳам, уларнинг ширин сўзлари ҳам, бу ширин ҳаётнинг лаззатлари ҳам насиб қилмади.

Зумрадхон туғруқхонадан қайтгач, такаббур қайнанаси Санобар аянинг бир қилмиши учун ҳаётдан кўз юмди.

Воқеа шундай бўлди:

— Ойижон,— деди Зумрадхон қайнанасига илтижо билан, — оёғимдан мадор кетяпти, уйда ҳеч ким йўқ, илтимос, дўхтир чақиринг...

—Уялмайсизми, шунақа гапларни менга айтгани?— деди қаҳраболик билан Санобар ая.— энди мен дўхтир ҳам чақириб келайми?.. Сабр қилиб ётинг!

Қайнанаси қўшнисининг уйига гап сотгани чиқиб кетди.

Зумрадхон юлдуздек тиниқ кўзларига ёш олиб, қизалоғига кўксини бериб кўз юмди... Кейин бу кўзлар очилмади. Зумрадхондан Наримонжонга ягона ёдгорлик бўлиб қизалоғи Ёдгорахон қолди. Холисхон опа ўша куни, азага келиб фарёд урди, нола қилди, гирён қилди. Куёвига кечки томон бир гап айтди:

— Ўғлим Наримонжон, Ёдгора катта бўлса мол-дунёдан тахт берманг, бахт беринг... Ота бўлиб, она бўлиб бахт беринг. Инсон учун энг яхши бахт одамларнинг меҳру-муҳаббати эканини унутманг, ўғлим.

Наримонжон қайнанаси олдида бош эгди. Унинг кўзларида муҳаббат алангаси ёнарди.

Инсон ўз фарзандини севганидек ўзгалар фарзандини ҳам севиб ардоқласа, у чинакам одамдир. Зеро, одам одам билан яшайди, дунёда одамдан қимматли жонзод йўқлигини унутмаслик керак.

Ҳабиба МАНСУРОВА.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик доктори, профессор Мамажон РАҲМОНОВ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. Менимча, инсонийлик тушунчаси жуда чуқур мазмунга эга бўлиб, у ижтимоий турмуш муносабатлари, халқ, давлат, Ватан манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда қаралиши керак. Бинобарин, инсонийлик фазилатларини одамларга яхшилик қилиш билан чегараланадиган бўлсак инсон ожизланиб қолади: «Отангни ўлдирганга, онангни бер» деган «гандизм» фалсафаси орқасидан эргашган бўлиб қолмаймизми? Жамиятда инсонийлик бурчини поймол қилиб одамларга озор берувчи безорилар, ўғрилар, бошкесарлар давлат мулкини талон-тарож қилаётган, Ватанга хиёнат қилаётган айрим шахсларга ҳам яхшилик қилишимиз керакми?

Ўтган йили бир хунук воқеани эшитдим. Нашриёт ходимларидан бири озиқ-овқат магазинидан тухум харид қилмоқчи бўлганда, сотувчи 9 тийинлик тухумни 13 тийинга сотаётганини кўриб ғазабланган ва жиноятчини суриштирмоқчи бўлган. Шунда магазин мудири харидорга: «Сизга тухумнинг сарасини ичкаридан олиб берамиз» деб омборга олиб кириб роса калтаклаган, харидор эса касалхонага тушган. Бироқ у, бу воқеани бирон кишига айтишдан қўрқади. Чунки безори уни, «агар бу гап ошкор бўлса, ажалинг бизнинг қўлимизда» деб қўрқитиб қўйган. Хўш, инсонийликни бутунлай унутган бундай муштумзўр ўғриларга ҳам яхшилик қилишимиз керакми?

Менимча, инсонийликка синфий нуқтаи назардан, марксизм-ленинизм таълимоти ва социализм идеологияси нуқтаи назаридан қарамоғимиз керак. Капитал мамлакатлардаги миллионларнинг кучидан фойдаланаётган, инсон эркинлигини камситаётган, унинг қадр-қимматини оёқ ости қилаётган капиталистларга, уруш ўтини ёқаётган империалистларга, нейтрон бомбасини кашф этган одамхўр С. Коэнга ҳам яхши ниятда бўлишимиз керакми?

Инсон қадр-қиммати, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни фақат социализм давридагина янги мазмун касб этди. Кишилик тарихида биринчи бўлиб инсоният бахт-саодати учун хизмат қилувчи энг қимматли нарсага айланди! Социализм инсоннинг ҳар томонлама эркин ривожига йўл очиб берди. У ўз моҳияти жиҳатидан инсонийликнинг энг гўзал фазилатларини яна бойитди.

«Оқшом» газетамиздаги бир мақолада, мукаммал инсон деганда кўпроқ кимларни кўз олдимизга келтирамиз? Умуман ҳаётда ҳар жиҳатдан мукаммал, эски ёки янги замон ахлоқ кодексининг ҳамма саволларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган одам борми?, деб сўроқ берилган. Шундай кишиларга инсоният тарихи жуда кўп асрлар билан боғлиқ деб таъкидламоқчиман. Узоқларга кўз ташлаб ўтирмай, кишиликнинг янги тарихий даврида шундай буюк инсонлар қаторига К. Маркс ва Ф. Энгельсни, В. И. Ленинни, бизнинг давримизда эса Л. И. Брежневни, Ш. Р. Рашидов каби буюк сиймоларни санаган бўлардим. Булар инсонларга хос ҳамма гўзалликларни, олижаноб фазилатларни ўзларида мужассам қилган чин инсонлардир. Буларнинг ғояларини, ҳаётларини, фаолиятларини, шахсий характерларини ўрганиш социалистик инсонийлик фазилатларининг шаклланишида ҳамма учун битмас-туганмас мактаб ва энг яхши ўрнак бўлади.

2. Ҳалол ва қаҳрамонларча меҳнат қилиб, олти миллион тонна пахта бераётган ўзбек халқи шон-шуҳратини кўкларга кўтараётган баҳодир халқимиз шаънига доғ тушираётган дангасаларни, текинхўрларни, магазиндан бирон буюм олмоқчи бўлсангиз «шапка» талаб қиладиган баъзи савдо ходимларини, ёлғончи-фирибгарларни, ажойиб ҳаётимизнинг қадрига етмайдиган, ҳаётимиздаги нинадек камчиликни туядек қилиб вайсаб юрадиган, меҳнат қилмай, бирон нарса яратмай, ҳамма нарсани давлатдан талаб қиладиган, янги ҳаётда яшаб туриб эскилик урф-одатларига ёпишиб олган шахсларни ёмон кўраман. Мана шу туркумга мен лоқайдликни ҳам қўшган бўлардим. Шуниси кўнгилсизки, ҳозирги замонамизда «дунёни сув босиб кетса ҳам менга нима» дейдиган лоқайдлар, мешчанлар ҳам учраб туради. Бундай шахслар инсоният олдидаги масъулиятни бутунлай унутиб қўйган, парвойи фалак кишилар бўлиб, социалистик жамият тараққиёти вазифаларидан четда турадилар. «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» йўлига, «тинч» яшаш йўлига ўтиб оладилар. Бундай кишиларга қандай қилиб одиллик назари билан қараш мумкин?

3. Ҳар бир инсон ҳаётида бахтиёр дамлар бўлиб туради. Мен ҳам бундан холи эмасман. Лекин уларнинг ҳеч бўлмаса бир қисминигина санаб ўтишнинг ўзи ҳам мен учун кўнгилсизлик бўларди. Мақтанчоқликдан қочган маъқул бўлса керак. Мен энг бахтиёр дамларни меҳнатдан ва унинг натижаларидан қидираман, чунки меҳнат менга ҳар вақт бахтиёр дамлар ҳадя этган.

4. Инсон учун эътиқод —ҳар вақт йўлчи юлдуз ёки компас ролини ўйнайди, одамларни тўғри йўлга бошлайди, гуноҳлардан холи қилади, инсофга чақиради. Мен жонажон Коммунистик партияга эътиқод қилганман. Мана шу эътиқод билан яшайман. Менинг шахсий тақдиримда, бир оддий совет зиёлиси бўлиб етишишимда партиянинг роли бениҳоя катта бўлди. Партиянинг инсон бахт-саодати йўлидаги курашлари, мамлакатимизда социализм ғалабаси ва кўз ўнгимизда юз бераётган ютуқларимиз, Марказий Комитетимизнинг тинчлик йўлидаги курашлари партияга бўлган эътиқодимни борган сари кучайтириб бормоқда. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий устида олиб борган илмий қидирувларим, унинг халққа, партияга, революцияга бўлган эътиқоди ҳам менда кучли из қолдирган. Яратувчи халқимга ҳам эътиқодим баланд. Унинг тараққиёт йўлидаги курашлари, ютуқлари билан бирга яшагим келади. Инсон учун пок эътиқоддан улуғ нарса бўлмаса керак.

5. Фарзандларга муносабат ва уларнинг тарбияси тўғрисида ҳам тўғри ва чуқур фикрлар баён этилди. Уларни қайтариб ўтирмай, ўзимнинг баъзи мулоҳазаларимни ўртага ташламоқчиман. Бу шундан иборатки, совет ҳаёт тарзи интернационализм руҳида тарбиялашга катта эътибор беришга ундамоқда. Бундан ташқари, биз ҳозирги кунда инсон тараққиётининг илмий-техника революцияси даврида яшамоқдамиз. Бу эса, оилада фарзандларнинг тарбиясига ҳам маълум ўзгаришлар киритмоқда, уни мураккаблаштирмоқда. Ҳозирги ёш авлод ўз она тилини мукаммал билишдан ташқари, рус тилини ҳам ўз она тили каби билиши, яна бир чет эл тилини ҳам ўрганиши кераклигини болаларимизга ёшликдан қулоғига қуйиб бориш, бунинг учун маълум шароитлар яратиб қўйиш ҳозирги замон ота-оналарининг бурчи бўлиб қолмоқда.

Яна бизнинг аксарият ўзбек оилаларида фарзандларимизни и г мактабдаги ўқиш даврида қайси фанга қизиқтириш ва кўпроқ эътибор берилиши тўғрисида ҳам етарлича диққат ва эътибор бермаймиз. Ҳозирги инсониятнинг бу кунги тараққиёт даврида дунёвий фанларнинг (математика, физика, химия, техника ва бошқалар) аҳамияти жуда ошиб кетмоқда. Бинобарин, фарзандларимизнинг ёшликданоқ мана шундай дунёвий фанларга қизиқтириб тарбиялаш масаласи ҳам кун тартибига қўшилди.

Ҳамма ота-она учун ўз фарзандларини ҳар томонлама маданиятли қилиб тарбиялаш вақти ҳам келган. Ҳозирги ҳаётимизда болаларнинг эстетик тарбияси масаласи ҳам муҳим проблемалардан биридир: музика, расм чизиш, театр санъатига ёшликданоқ қизиқтириб боришимиз керак. Айниқса, физкультура масалаларичи? Буларнинг ҳаммаси оилада бошланиши, мактабларда ривожланиши керак.

6. Менинг бўш вақтим жуда камдан-кам бўлади. Ҳар бир минут соатларим ҳисобли. Айниқса ташкилий ишлар одамни жуда банд қилиб ташлайди. Бунинг устига илм-фан билан машғул бўлган одамларда бўш вақт бўлиши мумкин эмас. Чунки бирон асар яратишдан ташқари, мутолаа ва ўйлашнинг ўзи ҳам олим учун меҳнат ҳисобланади.

Анкета саволларига жавобларни

Т. РАСУЛЕВ ёзиб олди.

Ишхона — иккинчи уйимиз

ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШАККУРИ

Жўрақул бошқарган автобус Шифокорлар шаҳарчасига аранг етиб келди. Машинаси худди дон тиқилган товуқдек ҳар қадамда «ғиқ-ғиқ» қилавериб роса қийнади, хунобини оширди. Унинг «машина бузилди, бормайди» деганига қарамай, одамлар «гур» этиб чиқиб олишди.

Жўрақул олдин сотилган билетлар ва тушган тангаларни ҳисоблаб, соатига бир қаради-да, яна орқага қайтишга мажбур бўлди. Чамаси, у планни ўйлаган эди. Носоз автобус «Студентлар шаҳарчаси», «А. Набиев» бекатларида яна ҳунарини кўрсатди. «Шимолий Олмазор» бекатидан озроқ ўтганда эса «пақ-пақ» этди-ю, тўхтади-қолди.

«Шу маршрутда аҳвол доим шунақа», «Сира сон тегмади-тегмадида», «Бузуқ экан, нега уни паркдан чиқаришди», деган пичинглар билан одамлар тушиб кетишди. Айрим йўловчилар автобус юришини пойлаб ўтираверишди.

Шу маршрут бўйича қатнайдиган икки автобус кетма-кет ўтиб кетди. Улар кетидан Жўрақуллар автопаркига қарашли «Лейнейная служба» деган автобус ҳам тўхтамай ўтди. Ундан ҳол-аҳвол сўраш ўрнига ҳамкасблари ишшайиб ўтишарди. Машинада асаби бузилиб ўтирган, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Абдумажид ака Абдураҳмонов ҳамкасблари ёрдам бермай ўтиб кетишаётганига ачиндида, шофёр йигитга деди:

— Тўғрисини айтсам ука, сизлар бир-бирингиз билан аҳил эмасга ўхшайсизлар. Бўлмаса, ҳалиги ўтиб кетган ҳайдовчилар сенинг олдингда бирров тўхтаб ёрдамлашса бўлар эди-ку. Баҳонада биз ўша автобусга чиқиб олар эдик, бунақа сарғайиб ўтирмас эдик. Ҳалиги одамлар тўғри айтишди, машинанг касал экан, нега ишга чиқдинг? Яна машина ичи ифлослигини қара!

Бошини рулга тираб хаёл суриб ўтирган Жўрақул ҳам ғазабланди.

— Бошлиқларимизга сиз айтгандек аҳилчилик, ҳурмат, тозалик деган гаплар ёқмайди. Уларга план бўлса бўлгани. Эҳтиёт қисмларнинг арзимаган турини ҳам топиб беришмайди. «Сопини ўзидан чиқар» деб айтишади. Натижада эрталаб ёки кечқурун билетни беркитиб қўйиб «левий» юришга мажбур бўламиз.

Машинамизни ювиб қўядиган одамлар ҳам яхши ишламайди. Улар шошиб, одамлар ўтирадиган ўриндиқларга сув сепиб юборишади. Бошқалар деб биз эрта тонгданоқ пассажирлардан дакки эшитамиз. Яна бошқа камчиликлар бор. Баъзи автопарклардаги ишларни кўриб одамнинг ҳаваси келади. Бизда эса акси.

Жўрақулнинг илтимосига кўра, у ишлайдиган автопарк ва унинг маршрутини аниқ ёзмадик. Лекин гап қайси автопарк хўжалиги устида бораётгани кўпчиликка таниш бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, қаерда аҳилчилик бўлса, интизом ва тартиб бўлса, шу ерда иш унумли ва завқли бўлади. Шундай жойда ишлаганлардан ишхонаси ва коллективи ҳақида сўрасангиз фахр билан сўзлашади, албатта.

Эркинжон Давлатов билан Фатхулла Саъдиевни олайлик. Уларнинг ҳар иккиси ҳам 3-автопаркка қарашли автобусларни бошқаришади. Ҳар бирининг иш стажи ўн-ўн беш йилдан ортиқ. Улардан йўловчилар ҳам, коллектив ҳам хурсанд. Бу ердаги ҳайдовчиларнинг бир-бирига иноқлиги, жонкуярлигини айтмайсизми!

Эркинжон бошқариб келаётган автобус Пушкин номли боғ олдида бир оз тўхтаб қолди. Ҳайдовчи машинанинг у ёғ-бу ёғини кўраётган эди, бошқа маршрутни бошқариб бораётган ҳамкасблари унинг олдида тўхтаб:

— Ҳа, Эркинбой, нима бўлди, қарашворайликми?.. Бензин тугаган бўлса мендан ола қол, яна йўлда қолиб кетма?.. Осилиб кетаётганларни менинкига чиқара қол, — деб ҳайрихоҳлик билдиришди. Эркинжон шундай дўстлари борлигидан фахрланади.

— Биздан фақат пойтахт аҳолиси эмас, Оржоникидзе районии аҳолиси, студентлар ҳам мамнун, —дейди 115-автобус ҳайдовчиси Фатхулла Саъдиев.

Ҳар бир ҳайдовчи ана шундай бир-бирига меҳрибон, ҳамкор ва аҳил бўлиши керак Зеро, автобус шофёрининг ишхонаси, иккинчи уйидир. Агар улар аҳил бўлишса ҳамшаҳарларимиз г а яхши хизмат кўрсатиб, кўпчиликнинг раҳматини эшитишади.

Ю. АХРОРОВ.

БИРИ—ГУЛ, БИРИ—СУНБУЛ

(ҚАТРА)

Тилла гардишли кўзойнак таққан Хонпошша буви нимчасининг сўкилган жойини тикарди. Унга нимадир нашъа қилди. Супа четида оқ яхтак кийиб, юпқагина кўрпачада ёнбошлаб ётган чолига гап қотди:

—Битта нимча қилиб берай ҳам демайсиз, қаранг, қора духоба униқиб, оқ сурпга айланиб кетди.

Йўлдош ота оппоқ соқолини силаб жилмайди:

— Шу нимчада ҳам менга чиройли кўринасан, азизим...

— Ширин тилингиздан бошқа бахт кўрмадим,— деди Хонпошша буви.

Йўлдош ота айтди:

—Мана, саксонга кирдингиз, мен саксон бешга, иккаламиз саломатмиз, шунинг ўзи бахт, эркам!..

Хонпошша буви «Тўғри айтасиз» дегандек жилмайиб қўйди. Уларни кўрганлар чолни — гул, нуроний кампирни — сунбул деб ўйларди.

Санда ЙЎЛДОШЕВА.

Одамлар орасида

ОТАХОН САБОҒИ...

Октябрь колхоз бозоридаги автостанцияга етиб келганимизда кун анча ёйилиб қолган эди. Бизга керакли автобус ҳам тайёр турган экан, ҳамроҳим билан чиқдик. Олдинги ўриндиқда мўйсафид бир отахон, ўртароқда икки ёш жувон, орқада биз тенги бир йигит. Отахонга салом бердик-да, ўрта ўриндиқлардан бирига бориб ўтирдик. Орадан беш минут ўтгач автобусга ўттиз беш-қирқ ёшлар чамасидаги бир киши уй нонига тўла икки сеткани кўтариб чиқди. Отага салом бериб, ўрта ўриндиқлардан бирига икки сетка нонни «тап» этиб ташлади. Нон ҳам иссиққина экан, бир зумда автобусни янги ёпилган нон иси тутиб кетди.

— Ўғлим, бу нонни жуда эзиб юборибсиз-ку, бирон бир сумками, лоақал пакетгами солмабсиз, ахир шу нонни ўзингиз, болачақангиз ейсизлар, одам ўлтирадиган жойга шундай қўясизми?— деди отахон.

— Қўяверинг, ейишимиз учун уйда келинингиз ўзи ёпаяпти, бунисини тугун-терсакка ишлатиб юборади.

— Тугун-терсакка ишлатилса ҳам, уни кимдир ейди-ку, ахир, бўтам.

—Бунисини билмадим отам, келинингиз «олиб келиб беринг» деди, олиб бориб берсам бўлди, бу ёғи аёлларнинг иши, тугунига соладими, ўзи ейдими, билганини қилсин.

— Йўқ ўғлим, унақаси кетмайди, сизга панд-насиҳат қилмайман, лекин шунча нонининг хор бўлишига ҳам йўл қўймайман. Қани, бориб 3—4 та пакет олиб келинг, автобус ҳали-вери юрмайди.

Нон олиб кетаётган йўловчи лом-лим демай қолди, бозорга кириб пакет олиб келди-да, нонларини пакетларга текислаб солди. Сетка қўйилган ўриндиққа нон увоқлари, седаналари тўкилган эди. Мулзам бўлганидан нон увоқларини ҳам зўр-базўр йиғиб олгач, отахон ширин гап айтдилар.

— Бўтам, менинг танбеҳимга хафа бўлмайсиз. Очлик нималигини, бир бурда нонга зор бўлиб, очликдан ўлим оғзигача бориб қайтганимни эсласам вужудимни титроқ босади. Келинг, ёнимга ўтиринг, сизга ўз бошимдан кечирган бир воқеани айтиб бераман.

— 1933 йил, юртда очарчилик. Одамлар бир бурда нонга зор бўлган пайтлар. Бир бурда нон учун ога-инисини, бола-отасини танимаганлар беҳисоб. Оилада мен, опоқингиз, учта фарзандим бор. Энг катта қизим ўн уч яшар эди.

Ота-она ўзимиз емасак-да болаларимизга илинардик. Эсимда, қиш вақти эди. Изғирин, совуқ, бунинг устига қалин қор ёққан. Уйимизда еғулик бир бурда нон йўқ. Бетоб бўлиб ётиб қолдим, бунинг устига очликдан шишиб кета бошладим. Ҳолим жуда танг эди. Мен ўзимга эмас, опоқингизга, кўзларини менга мўлтираб тикиб ўтирган уч фарзандимга ачинардим. Ўлиб қолсам уларнинг ҳоли нима кечади, дея ҳаяжонланардим.

Бир куни кечқурун катта қизим онаси билан айтишиб қолишди. У ниманидир «беринг».— дейди, онаси — «йўқ, бермайман, бисотимизда бундан бўлак ҳеч вақо йўқ, қиз бола нарса эртага сени қандай узатаман?»— дейди.

— Дадам шундай ётсинлар-у, сиз менга бисот йиғасизми?..

Эртаси куни эрталаб қизим ўрнида йўқ эди. Капалагимиз учиб кетди, қидирмаган еримиз қолмади. Тушга яқин ҳовлимизга биров қоп орқалаб кириб келди, ортида ўн уч ёшга кирган қизим, бошида паранжи, қўлида бир кўзача ҳам бор эди... Кейин ҳаммаси аён бўлди.

...Онамдан қолган тилла исирга бор эди. «Бош неварам»,—деб қизимга берган эдилар. Қизим ёш бўлгани сабабли опоқингиз исирғани яшириб қўйган экан. Шуни онасидан сўраса, онаси бермаган.

Тонг саҳарда исирғани яширинча олиб, уйдан чиқиб кетган. Уни заргарларга ўтказиб пул қилган. Пулнинг бир қисмига ярим қоп ун, бир кўза ёғ олиб бозорда турган чоғида бир танишимизни учратиб қолади. Қоп орқалаб келган ана шу танишимиз — аниқроғи амакимнинг ўғиллари эди. «Сувга ташлаб қўйган» қозонимиз яна ўчоққа осилди. Ана шу ёғ билан ун мени ҳаётга қайтарди. секин ўзимга кела бошладим.

Шундай қилиб, ўн уч баҳорни кўрган қизим мени гўр оғзидан қайтариб олиб келди. Фақат мени эмас, опоқингизга, укаларига ҳам бамисоли қайтадан ҳаёт бахш этди. Шукур, мана, энди қизим ҳам бахтли-саодатли бўлиб кетди. олти фарзанди, ўндан ортиқ неваралари бор. Ўзимиз тинчлик замонни, тўқчиликнинг шоҳидимиз, еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда. Шунинг учун ҳам сизни нонга «азоб» бераётганингизга, унинг увоғини тўкиб, очиқ сеткада олиб кетаётганингизга чидаш беролмадим. Қаттиқ гапирган бўлсам узр, бўтам, у кунларни биз кўрдик, сизларга кўргилик қилмасин...

Отанинг бу ҳикоясини автобусдаги йигирма ёғли одамнинг ҳаммаси тинглаб боришарди. У кишининг шаклан кичик, аммо мазмунан бир достонга тенг ҳикояси сира эсимдан чиқмайдиган бўлиб қолди.

Ҳа дарвоқе, «Қари билганни — пари билмайди», дейишади, йўлда эшитган бу ҳикоямиз фақат ўша йўловчи учун эмас, балки бизга ҳам насиҳат, ҳам сабоқ дарси бўлди. Нонни эъзозлаймиз, нон онамиздек азизу-мукаррамлигини сира унутмаймиз.

Қ. НИЗОМОВ.

Юздан табассум ёғилиб турган бу қиз Тошкентдаги «Шодлик» ательесининг илғор тикувчи-мотористкаси, ВЛКСМ аъзоси Мовжуда Абдувалиевадир. У ўзи тикаётган кўйлак ва костюмларнинг хушбичим ва бежирим бўлишига ҳаракат қилиб, мижозларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

З. Йигиталиев фотоси.

Фан ва техника изланишлари

МИКРООРГАНИЗМЛАРГА ҚАРШИ

Украина ССР Фанлар академияси Заболотний номидаги микробиология ва вирусология институтининг олимлари нодир китоблар, қўлёзмаларнинг саҳифаларига, санъат асарларига гамма нури билан ишлов беришни тавсия қилдилар.

— Бундай нур бериш микроорганизмлар вужудга келтирувчи биологик коррозиядан пухта сақлайди, —дейди республика маданият министрлиги таъмирлаш илмий-тадқиқотли устахонаси экспериментал лабораториясининг раҳбари Г. Новикова. — Майда замбуруғларнинг ўтмиш бебаҳо дурдоналарига етказган зарари урушлар, ёнғинлар, тошқинлар ва бошқа офатларнинг етказган зараридан оз бўлмаса керак. Замбуруғлар мато, қоғоз, бўёқ таркибига кирувчи органик моддаларни емиради. Уларга қарши олиб борилаётган кураш методларининг самараси оз—кўзга кўринмас заракунандалар, ҳаттоки қаттиқ таъсир этувчи антисептик препаратларга ҳам мослашиб қолади.

Гамма нурлар билан ишлов бериш самарадорлиги исбот этилиб бўлди. Ҳозир таъмирлаш устахонасида бадиий бойликларга янги метод билан ишлов бериш тажрибалари бошлаб юборилди. Бу бойликлар Киевнинг 1500 йиллигига унинг музейларини безаб туради.

ГЕОФИЗИКЛАР КЎЗИ БИЛАН

Мамлакатимизнинг энг катта Ғарбий Сибирь пасттекислиги кейинги чорак аср мобайнида 30 сантиметрдан кўпроқ чўкди.

Сибирь геодезиячилари катта территорияни кўп марта ўлчаб чиқиб, улкан пастлик йилига 10 — 15 миллиметр тезликда пасайиб бораётганлигини аниқладилар. Ернинг вертикал ҳаракатини бундан йигирма-ўттиз йил аввалги ўлчаш натижалари билан сўнгги ўлчаш рақамларини таққослаш натижасида шундай хулоса чиқариш мумкин бўлди.

Тадқиқот натижалари олимлар учун кутилганидек бўлиб чиқди. Урал тоғларидан серсув Енисейгача бўлган территория улкан бир кристалл плита устида ётади. Унинг геологик тарихида тебранишлар кўп бўлган. Масалан бундан ўнлаб миллион йил аввал бу пойдевор шу қадар пасайганки, шимол суви Сибирь ичкарисига оққан ва қуруқликда денгиз пайдо бўлган. Шимолий муз океанининг ҳозирги чегараларидан анча олисдаги жойларда бўлган кўпдан-кўп денгиз чўкиндилари шундан далолат беради.

Ҳозирги даврда пасттекисликнинг пасайиши илгари замонлардагига нисбатан жуда оз бўлсада, регионнинг табиий шароитларига таъсир кўрсатмоқда. Пасттекислик батқоқланишининг давом этаётганлиги, баъзи олимларнинг фикрича, ана шу жараёнга боғлиқдир. Ҳозирги вақтда Ғарбий Сибирь территориясининг учдан биридан кўпи ботқоқликдан иборат бўлиб, унинг чегараси тобора кенгайиб бормоқда. Тайганинг намхуш тупроқ бўйлаб жануб сари силжиб бораётганлиги ҳам қайд этилди.

— Ер пўстлоғи ҳозирги вертикал ҳаракатларини ўлчаш натижалари картада акс эттирилади. Академиклар шаҳарчасининг олимлари геодезиячилар билан биргалашиб шу ишни битирмоқдалар,— деди СССР Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг ходими геология-минералогия фанлари кандидати В. Колмогоров. —Ғарбий Сибирнинг бундай картаси илк бор босиб чиқарилмоқда. Бу карта нефть ва газ конларининг разведкачиларига, янги территорияларда иморатлар қуришни режалаштираётган архитекторларга, сейсмологларга наф келтиради.

НАФТАЛИН ИЗОЛЯЦИЯ

Озарбайжонлик олимлар нефть қудуқлари учун нафталиндан иссиқ сақловчи пўстин яратдилар.

Одатда ер қатламида нефтни чиқариш учун ер бағрига буғ ёки иссиқ сув туширилади. Аммо улар иссиғининг камида 70 процентини қудуқ деворида йўқотади ва натижада таъсир самараси пасайиб кетади. Озарбайжон нефть институтининг олимлари юборилаётган иссиқликни сақлаш учун қудуққа бири иккинчисининг ичига солинган қўш қувур туширишни ва икки қувур ўртасидаги бўшлиқни бирон ғовак модда билан тўлдириб устидан суюқ нафталинни қуйишни таклиф этдилар. Қувур орқали буғ ёки иссиқ сув ўтаётганида нафталин буғланади ва қувурнинг совушига тўсқинлик қилувчи газ муҳитини вужудга келтиради.

Экономистларнинг ҳисоб-китобларига кўра, озарбайжонлик олимларнинг бу ишлари ҳар бир қудуқда йилига юз минг сўм тежашга имкон беради.

(ТАСС).

Шаҳримиздаги 200-ўрта мактабда меҳнат дарси намунали йўлга қўйилган. Ўқувчилар ўз мураббийлари Тошхон Раҳимова бошчилигида бичиш-тикиш ва турли таомлар тайёрлаш сирларини қунт билан ўрганишади.

СУРАТДА: мактабнинг 7-синф ўқувчиларидан бир группаси таом тайёрлаш устида.

Р. Альбенов фотоси.

• *Ҳар тўғрида*

ОПЕРА ҚЎШИҚЧИСИ ФОНДИ

Парижда Грециянинг машҳур опера қўшиқчиси Мария Каллас номли фонд ташкил этилди. Унинг президенти этиб Греция ва унинг узоқ-яқин атрофларида маълум ва машҳур бўлган пианиночи Вассо Девеци тайинланди. Бу қўшиқчи ҳозирда Францияда яшаб, ўша ерда ишлайди. У бир неча бор Мария Каллас билан Совет Иттифоқида гастролларда бўлиб, П. И. Чайковский номи билан аталган конкурсларда иштирок этган.

Яқинда Парижда бўлиб ўтган концертда бу фондга биринчи қадам қўйилди. Грециянинг ёш қўшиқчиси Аньес Бальца унинг қалдирғоч стипендиати бўлди. 1983 ва 1984 йилларда опера қўшиқчилари ўртасида яна бир неча бор бу халқаро конкурсни ўтказиш мўлжалланмоқда. Вассо Девеци энг яхши янги опера спектакли учун ҳам бу мукофотни тавсия этиш ва қўшиқчи вафот этган Парижда унинг музейини очишни ҳам мўлжалламоқда.

ТИШ ОҒРИМАСЛИГИ УЧУН

Орадан балки яна йигирма йил ўтар, шунда одамлар тиш оғриғи қўрқувидан бутунлай халос бўлишади. Яқинда бу ҳақда Данияда ўтказилган конференцияда гапирилди. Дания стомотология институтининг ректори, профессор Феерсков оғиз бўшлиғидаги турли бактерияларга қарши кураша оладиган вакцина ташкил этилаётганлиги ҳақида конференция қатнашчиларига гапириб берди. Янги дори бир нечта касалликларни даволашда қўлланилади. Ҳозир препарат ҳайвонларда тажрибадан ўтказилмоқда. Препарат кашфиётчилари ҳали бу дори устида узоқ иш олиб боришлари керак. Ҳозирча бу препаратдан одатдаги даволаш методларида ва тишни тозалашда фойдаланиш мумкин.

ЕЛКАНЛИ ТАНКЕР

Ғарбда энергетика кризиси ҳукм сураётган ҳозирги шароитда яна елканли кемалар ҳақида эслаб қолинди. Бироқ шуни айтиш кераки, бугунги елканли кемалар формаси ва жиҳозланиши билан ўз ўтмишдошларидан кескин фарқ қилади. Японияда «Шин айтоку мару» деган биринчи елканли танкер тажрибадан ўтказилди. У одатдаги дизель двигателлар билан бир қаторда иккита елкан билан ҳам жиҳозлангандир. Танкер бир йил давомида Япония портлари ўртасида қатнаб синовдан муваффақиятли ўтди. Елканли кемани бошқаришда қўлланилаётган электрон ҳисоблаш машинаси шамол кучидан етарли даражада фойдаланиш имконини яратиб бермоқда. Натижада 55 процент ёқилғи иқтисод қилиняпти.

ДЕРАЗА ЎРНИДА ТЕЛЕЭКРАН

«Локхид Калифорния компани» ходими Б. Райт: «келажакда авиабилет сотиб олмоқчи бўлганингизда дераза ёнида ўрин олишга уринманг самолётда унақа жойнинг ўзи бўлмайди», деб маслаҳат беради.

Бундай қилиш учун ҳамма асослар бор, деб ҳисоблайди у, биринчидан, иллюминатор олиб ташланса салонда шовқин камаяди ва машинанинг таннархи арзонлашади, иккинчидан ҳаво кемасининг фозеляжи (танаси: янада пишиқроқ бўлиб қолади. Учинчидан, деб таъкидлайди Б. Райт, «самолётнинг учиш баландлиги ва ҳаракат тезлиги назарда тутилса, пассажир дераза орқали барибир ҳеч нарсани кўра олмайди дейиш мумкин». Аммо ҳар бир креслонинг суянчиғига экран монтаж қилиниб, самолёт ташқарисида жойлашган телекамера берадиган манзара шу экранда намойиш этилиб борилади. Жумладан, йўловчилар ҳаво кемасининг «учувчи кабинаси»дан осмонни кўрабиладилар.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 4/II да **Алмандар**, 5/II да **Гурунг**, 7/II да **Нодирабегим**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/II да **Тўйдан олдин томоша**, 5/II да **Дилафрўзга тўрт ошиқ**, 6/II да **Ёшликда берган кўнгил**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/II да **Тиконсиз типратиконлар**, 5/II да **Зада бўлган пайғамбар**, 6/II да **Баланд дорга осилма**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **янги программа.** «ПАҲЛАВОН ВА ШЕР» **аттракциони.**

КИНО

4 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНСОН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли.**

«ЕРДАГИ БАЙРАМ» — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШЛЯПА» — **Санъат саройи** (17, 18.45, 20.30), **Нукус** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТЕҲРОН—43» — **Лисунов номли** (17, 20.00).

5 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ГРУЗИЯ— ОЛҒА ВА ЮКСАЛ» — **Лисунов номли.**

«ИНСОН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА»—**ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«ҲИСОБ НУҚТАСИ»— **Дружба.**

«ЕРДАГИ БАЙРАМ» —**Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШЛЯПА» —**Санъат саройи** (11, 13, 15, 17, 18.45, 20.30), **Нукус** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ»— **Дружба** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТЕҲРОН— 43»— **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).

«БУЮК ФИДОИЙ»— **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 20.00).

Самарқанд область Нарпай районидаги Ленин номли колхоз гаражининг мудири **Хайрулла Ниёзов** номига берилган 1064 номерли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА

«БУТУНЛАЙ АКСИ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРДИ

Сценарий муаллифи — П. ЛУНГИН.
Режиссёрлар — В. ФЕТИСОВ, В. ГРАММАТИКОВ.
Ролларда: О. МАШНАЯ, О. ТАБАКОВ, С. НЕМОЛЯЕВА, М. ЕФРЕМОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Бу фильм лирик комедия жанрида яратилган бўлсада, муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Характернинг тўла шаклланмаганлиги, ҳаётга енгилтаклик билан қараш кўпинча, фожиали оқибатларга олиб келади. Фильм авторлари ўнинчи синф ўқувчилари Наташа ва Андрей севгиси мисолида ёш томошабинларни ҳаётда адашмасликка, ўткинчи ҳис-туйғуларга эрк бермасликка ундашади.

Аввалига ҳаммаси бинойидек кетаётган эди. Ўнинчи синф ўқувчиси Андрей Наташани бир кўришдаёқ севиб қолади. Наташа ҳам гарчи Андрейнинг севги-муҳаббат борасида ўз назарияси бўлса-да, дастлабки учрашувдан кейиноқ, тезда турмуш қуриш керак, деган карорга келади. Ленинградга қилинган саёҳат эса, бу қарорни янада қатъийлаштиради.

Қиз воқеани оқизмай-томизмай ота-онасига етказади. Отаонаси ҳам нима учундир, маълум сабабларга кўра ҳайратга тушишмайди. Лекин, ота ҳар эҳтимолга қарши қизининг мактабга бориб келишини ўз назоратига олади.

Севги ҳар нарсага қодир, ҳаттоки ақл бовар қилмайдиган уйдирмага ҳам. Андрей Наташаларнинг уйига, қиз бола қиёфасида келиб, қизга инглиз тилидан ёрдам бериш учун юборилган аълочи Курицина деб таништиради ўзини. Ёпиқ эшик ортидан инглиз тилида сўзлашув эшитилади. Қизнинг ота-онаси мамнун. Аслида инглиз тилидаги пластинка айланаётган эди. Севишганлар ўз найранглари муваффақиятли амалга ошганидан беҳад планлар тузишади. Шу планларни амалга оширишга келганда ҳаммаси улар ўйлаганчалик осон эмаслигини англайдилар: ишлаш учун аввал мактабни битириш керак, йўқса маошсиз ижарага уй олиб бўлмайди. Қарабсизки, оилавий турмуш бошланмасдан оилавий можаролар керагидан ортиқ авжида. Бахтли келажак, адоғи йўқ қувонч-шодликлар ҳадя этган севги қаёққадир ғойиб бўлди. Наташанинг ҳам, Андрейнинг ҳам энди турмуш қургилари йўқ.

Ниҳоятда ҳушчақчақлик ва ҳазил-мутойиба билан бошланган бу воқеа мана шундай бир оз ачинарли, дилозорлик билан тугайди. Ҳеч қиси йўқ, деб далда берадилар фильм авторлари ўз қаҳрамонларига, негаки улар жуда ёш,ҳаммаси ҳали олдинда.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФИЛЬМЛАРИ МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИ.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

6 ФЕВРАЛДА — **Ж. Сименон.** «МЕГРА ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР». **Ҳар бир қабул пунктида 100 та абонемент берилади.**

С. Цвейг. «ОШИҚҚАН ҚАЛБ». **Ҳар бир қабул пунктида 150 та абонемент берилади.**

7 ФЕВРАЛДА— **М. Дрюон.** «ТЕМИР ҚИРОЛ». **Ҳар бир қабул пунктида 250 та абонемент берилади.**

13 ФЕВРАЛДА— **М. Дрюон.** «ЗАҲАР ВА ТОЖ». **Ҳар бир қабул пунктида 250 та абонемент берилади.**

14 ФЕВРАЛДА— **М. Зощенко.** «ҲИКОЯЛАР». **Ҳар бир қабул пунктида 100 та абонемент берилади.**

С. Цвейг. «ОШИҚҚАН ҚАЛБ». **Ҳар бир қабул пунктида 150 та абонемент берилади.**

20 ФЕВРАЛДА— **Г. Честертон.** «ҲИКОЯЛАР». **Ҳар бир қабул пунктида 100 та абонемент берилади.**

А. Дюма. «ҚИЛИЧБОЗЛИК ЎҚИТУВЧИСИ». **Ҳар бир қабул пунктида 150 та абонемент берилади.**

21 ФЕВРАЛДА— **М. Дрюон.** «ТЕМИР ҚИРОЛ». **Ҳар бир қабул пунктида 250 та абонемент берилади.**

27 ФЕВРАЛДА— **М. Дрюон.** «ЗАҲАР ВА ТОЖ». **Ҳар бир қабул пунктида 250 та абонемент берилади.**

28 ФЕВРАЛДА— **А. Дюма.** «ҚИЛИЧБОЗЛИК ЎҚИТУВЧИСИ». **Ҳар бир қабул пунктида 250 та абонемент берилади.**

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1—Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, Марказ — 15;
3— Қўйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ бозори» бекати);
4— Ташавтомаш массиви (1, 16-автобусларнинг «Тошкент трактор заводи» бекати);
5— Уйғур кучаси (Кўкча колхоз бозори);
6— Янгиобод массиви.
7— Юнусобод массиви, Б—1 (8, 60, 72-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати);
9—3. Саид кучаси (8-трамвай; 34, 64, 83-автобусларнинг «Гулзор» бекати),
10—1/3-Қорақамиш массиви (40, 56, 59-автобуслар; 27-трамвайнинг сунгги бекати);
12—Физкультурная кучаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида);
13— Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй, 62-квартира;
14—Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а» уй, 1-квартира;
15—Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй,
16—Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 33, 41, 54, 75, 79-автобуслар; 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фарход бозори» бекати);
17—Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва кафеси» бекати);
18— Спутник массиви, марказ 3, 5-уй;
19— Ж. Обидова кучаси (19-автобус; 2, 16-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати);
20— Олой бозори;
22—Циолковский кўчаси (Касб касалликлари институти қаршисида).
23—ТошМИ массиви (10, 28-автобусларнинг сўнгги бекати);
24—Марсолихов кўчаси, 19-уй;
25—Бирлашган кучаси, автостанция;
26— М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).
27—Юнусобод массиви, А—3,
28 — Первомайск колхоз бозори;
29—Строительная кўчаси, 38-уй;
30 — 2/1-Қорақамиш массиви (Колхоз бозори).
31— 2-Қуйлиқ массиви, Савдо маркази;
32—Луначарское шоссеси, 301-уй;
33—Морозов кўчаси, кабель заводи бозори.
34—Улуғбек поселкаси, ядро физика институти.
35— У. Юсупов кўчаси (10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).
36—Октябрь массиви Ибрат кўчаси (64-автобус, 8-трамвайнинг «Поликлиника» бекати);
37 —2-Қорасув массиви (89, 63-автобусларнинг 2-«Қорасув» бекати).
38—Б. Хмельницкий кўчаси, 67-уй, 8-корпус (3, 45-автобуслар; 14-троллейбуснинг «Госстандартлар магазини» бекати).
39—4-турар жой массиви. Шолохов кўчаси, 1 «а» квартали.
40—Бирлик массиви (53, 64, 79-автобусларнинг «Бирлик» массиви бекати).
41— Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 1«а»-уй.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Қабул пунктларига абонементлар олиш учун макулатураларни фаол топшириш адабиётларнинг китоб савдо гармоқларига тезроқ келиб етиши имконини беради.

«ВТОРСИРЬЁ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

4 ФЕВРАЛЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевиденйенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.10 Тоғ чанғи спорти бўйича СССР кубоги. Хотин-қизлар. 10 км. Эстониядан олиб кўрсатилади. 18.40 «Миллионлар ленинча университети». СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси П. Г. Буничнинг Москва шаҳар саноати корхоналаридаги бир группа пропагандистлар билан учрашуви. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. 20.10 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Франциядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». Киноплова. «Ўтмишни унутма». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.10 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениесининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Б. Васильев. Асарлари саҳифаларида. 19.40 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.10 «Завод —менинг тақдирим». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.35 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 Москвага гастролга келганлар. Халқаро конкурслар лауреати гитарачи Лео Брауэра концерти (Куба). 21.30 «Время». 22.05 «Оғиш бурчаги». Бадиий фильм. 2-серия.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

19.45 «Ёзувчи ва замон». «Ўзбекистон совет адабиётида коммунист образи». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время» 22.05 «Анъаналар ва замонавийлик». 22.35 «Романтика» телевизион театри. Ў. Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». 2-қисм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Ғаллазорлар хроникаси». Телефильм. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.50 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қизил велосипед». Бадиий фильм. (рус.) 21.30 МТ II

5 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 Мактаб ўқувчиларининг КПСС Рязань область Скопин район комитетининг биринчи секретари В. И. Голованов билан учрашуви 10.35 «Кутаман». Бадиий фильм. 11.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Зудлик билан талаб қилинади». Телевизион ҳужжатли фильм (Киев). 15.45 «Рус тили». 16.15 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Зименко ва концерти. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.40 «Подмосковье учрашувлари». 17.10 Ёш конструкторлар концерти. 17.40 Композитор Т. Хренников асарларидан концерт.

18.05 Чанғи спорти бўйича СССР кубоги. Эркаклар. 30 км. Эстониядан олиб кўрсатилади. 18.35 Давлат академик Пермь опера ва балет театри артистларининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Киноэтюд. «Февраль». 19.40 Талабаларингизга биноан учрашувлар. Котлас целлюлоза қоғоз комбинати меҳнаткашларининг саволларига жавоблар. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 20.40 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. М. Пятницкий номли Давлат академик рус халқ хорининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. Франциядан олиб кўрсатилади. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениесининг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Белгород». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 М. П. Мусоргский ижоди. 10.05 ва 12.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 Тарих. 4-синф. Ўчмас у кунлар шуҳрати (Гражданлар урушининг қаҳрамонлари). 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. Электр токи газларда ва вакуумда. 12.35 ва 13.35 География. 5-синф. Дарёлар ва кўллар. 13.05 «Ер йирик планда». Илмий-оммабоп фильм. 14.05 А. Фадеев. «Тормор». Ўқитувчи экрани: 14.50 Физика. 6-синф. Атмосфера босими. 15.20 География. 8-синф. Урал райони. 15.50 А. С. Пушкин. «Евгений Онегин». Адабий этюдлар. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Театр афишаси олдида». 19.45 «Жаҳон халқларининг ижоди». Ҳиндистон. 20.25 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.40 «Халқ ижоди». Москвадаги живопись ва амалий санъат бадиий кургазмаларидан телевизион курсатув. 21.30 «Время». 22.05 «Илк муҳаббат ҳақида етти кичик ҳикоя». Телевизион бадиий фильм премьераси. 23.35 «Советская Россия» газетасининг соврини учун тўпли хоккей бўйича халқаро турнир. СССР— Норвегия терма командалари. 2-тайм. Сиктивкардан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика институти дирекцияси, партия бюроси ва маҳаллий комитети катта илмий ходим, геология-минералогия фанлари кандидати

Аҳмад Қосимович ҚОСИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

МАРДЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

ЖИНОЯТЧИ ҚОЧИБ КЕТА ОЛМАДИ

Йўловчига писиб ҳужум қилган хавфли жиноятчи қасосдан қочиб қутула олмади.

Бу воқеа Олтой ўлкасининг Рубцовск шаҳрида кечаси рўй берди. Кўчада кетаётган аёлнинг орқасидан тўсатдан нотаниш бир киши келиб пичоқ ўқталди ва:

— Орқага бурилмасдан подъездга кир! —деб буйруқ қилди.

Қўрқиб кетган аёл унга бўйсунди. Подъезд қоронғи эди. Қароқчи аёлнинг қўлидаги сумкани тортиб олди, унинг мўйна телпагини ҳам олмоқчи бўлди, лекин аёл қаршилик кўрсатди. Аёлнинг қичқириғига хонадонлар чиқиб келишди. Шунда қароқчи жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлди.

Хонадонлардан кимдир милицияга телефон қилиб талончи ҳужум қилганлигини айтди. Милиция кичик лейтенанти Я. Лепп бошчилигидаги оператив группа айтилган адрес сари дарҳол жўнаб кетди. Жиноятчи анча нарига кетишга улгурганди, лекин кичик лейтенант уни қувиб етди. Бандит пичоқ урди. Жароҳатланган милиционер осмонга огоҳлантирувчи бир неча ўқ узди, лекин жиноятчи тўхтамади. Шундан сўнг Я. Лепп яна бир карра ўқ узди.

Олишув жойига одамлар етиб келишганида қорда беҳуш ётган милиционерни кўрдилар. Ундан нарироқда ўқ еган бандитни ҳам топишди. Кейин маълум бўлишича, у ўта хавфли жиноятлари учун бундан аввал икки марта судланган экан.

Я. Лепп операциядан сўнг тузалмоқда. Унинг хизмат рўйхатида бекаму-кўст хизматлари учун бир неча бор берилган мукофотлар ёзилган. У ўтган йил якунлари бўйича шаҳар милиция бўлими жиноят қидирувининг энг яхши инспектори деб топилди.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши – 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.